

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ҲИСОБ ПАЛАТАСИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ВА ДАВЛАТ  
МАҚСАДЛИ ЖАМҒАРМАЛАРИ БЮДЖЕТЛАРИНИНГ  
2018 ЙИЛДАГИ ИЖРОСИ ТҮҒРИСИДАГИ ҲИСОБОТ БЎЙИЧА  
ХУЛОСА**

Тошкент - 2019 йил

## **I. КИРИШ**

Ўзбекистон Республикаси Бюджет Кодексининг ижросини таъминлаш мақсадида, Ҳисоб палатаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2018 йилдаги ижроси тўғрисидаги ҳисботи ташқи аудит ва баҳолашдан ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2018 йилдаги ижроси тўғрисидаги ҳисбот Ҳисоб палатасига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 5 апрелдаги 02/1-4774-сонли хати билан жорий йилнинг 8 апрелида тақдим этилди.

Давлат бюджетининг 2018 йилги даромадлари ва харажатлари бўйича белгиланган режа кўрсаткичлари ижросининг ташқи аудити Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва унинг Газначилиги, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси ҳамда давлат мақсадли жамғармаларининг ҳисботларидағи маълумотларни Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шахри маҳаллий бюджетлари ва Ўзбекистон Республикаси республика бюджетининг тақсимловчиларини ҳисботлари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида очилган тегишли бюджет ва ғазначилик ҳисоб рақамлари бўйича тушумлар ҳамда бюджет маблағларининг сарфланиши тўғрисидаги маълумотлар билан солиштириш йўли билан амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2018 йилдаги ижроси тўғрисидаги ҳисботни ташқи аудит ва баҳолашдан ўтказиш натижасида мазкур хулоса тайёрланди.

## **II. ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ВА ДАВЛАТ МАҚСАДЛИ ЖАМҒАРМАЛАРИ БЮДЖЕТЛАРИНИНГ 2018 ЙИЛДАГИ ИЖРОСИ ТЎҒРИСИДАГИ ҲИСБОТИНИ ТАШҚИ АУДИТИ НАТИЖАЛАРИ**

### **1. Макроиктисодий кўрсаткичлар**

Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш юзасидан 2018 йилда кўрилган чоралар иқтисодиёт тармоқларини модернизациялаш ва интенсив ривожлантириш, макроиктисодий кўрсатгичларни янада мустаҳкамлашга туртки бўлди.

Жумладан, 2018 йилда ялпи ички маҳсулот ҳажми 5,1 фоизга, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш 10,6 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажми 0,2 фоизга, чакана савдо айланмаси 5,5 фоизга, хизматлар 5,4 фоизга ўсди.

<b>Кўрсаткичлар</b>	<b>фоиз</b>	
	<b>олдинги йилга нисбатан фоизда</b>	<b>режа амалдаги ижроси</b>
Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ)	105,9	105,1
Истеъмол нархлар индекси 2017 йил декабрга нисбатан	12,4-13,4	14,3
Саноат маҳсулотлари ҳажми	106,4	110,6
Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш	104,0	100,2
Капитал қўйилмалар ҳажми	106,5	118,1
Чакана товар айланмаси	105,6	105,5
Давлат бюджетининг дефицити/профицити (ЯИМ га нисбатан фоизда, -/+)	0	-0,2

Иқтисодиётда 2018 йил давомида олиб борилган изчил ислоҳотлар давлат бюджети ижросига ижобий таъсир кўрсатиб, даромадларни сезиларли даражада ошишига олиб келди. Бу эса ўз навбатида Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукумат томонидан қабул қилинган Давлат дастурларини, ижтимоий-иктисодий, инфраструктура лойиҳалари молиявий таъминлашга, аҳоли бандлиги ва даромадининг ўсишига кўмаклашди.

## **2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 22 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида белгиланган вазифа ва топшириклар ижроси**

### ***Бюджет маълумотларининг очиқлиги борасида***

Давлат бюджети даромадлари ва харажатлари халқ учун очиқ-ошкора бўлишини таъминлаш мақсадида ҳамда “Халқ давлат органларига эмас, давлат органлари халққа хизмат қилиши лозим” тамойилига мос равишда 2018 йилда “Фуқаролар учун бюджет” нашрлари ишлаб чиқилган.

Ушбу нашр 2018 йил учун тасдиқланган Давлат бюджети параметрлари доирасида тузилган бўлиб, унда бюджет даромадлари ва устуворликлари, ижтимоий аҳамиятга молик тадбирларни молиялаштириш ва кутилаётган мақсадлар ҳақидаги ахборот фуқаролар учун тушунарли бўлган тилда изоҳлар ва тушунтиришлар билан очиб берилган.

2018 йилда “Очиқ бюджет” ахборот портали ([www.openbudget.uz](http://www.openbudget.uz)) ишга туширилган бўлиб, фуқаролар билан мулоқот ўрнатилиб, аҳолини Давлат бюджети ҳақидаги маълумотлар билан қулай навигация ва инфографика орқали таништириш билан бир қаторда, уларнинг давлат бюджети сиёсатини шакллантиришда иштирокини таъминлаш имконияти яратилди.

### ***Иш ҳақи тўловлари миқдорларини ошириши борасида***

2018 йилда бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи тўлови, пенсиялар, стипендиялар ҳамда нафақалар миқдори инфляция суръатларидан кам бўлмаган миқдорларда оширилиб борилган.

Жумладан, 2018 йил 15 июлдан ўртача 7 фоизга, 1 ноябрдан эса ўртача 10 фоизга оширилган.

Шунингдек, 2018 йилда ишлаб чиқариш ҳажмини ва бюджет ташкилотлари ходимларининг самарадорлигини оширишга, бундан ташқари, юқори малакали кадрларни жалб қилиш учун уларни рағбатлантириш ва яхши шароитлар яратиш мақсадида айрим бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи миқдорини дифференциал ошириш тадбирлари давом эттирилган.

Жумладан:

- мактабгача таълим муассасаларининг олий маълумотли тайёрлов гурухи тарбиячиларининг иш ҳақлари 2018 йил 1 мартаң 30 фоизга, 1 сентябрдан яна 30 фоизга оширилган;

- 2018 йил 1 сентябрдан бошлаб умумтаълим мактаблари бошланғич синфлар ўқитувчилари базавий тариф ставкалари миқдори 10 фоизга, юқори синф ўқитувчилари базавий тариф ставкалари миқдори 24 фоизгача, директорлар, уларнинг ўринбосарлари ва кутубхоначилар базавий тариф ставкалари миқдори 10 фоизга оширилган;

- 2018 йил 1 сентябрдан бошлаб олий таълим муассасалари раҳбар ходимлари ва профессор-ўқитувчиларининг лавозим маошлари табақалаштирилган ҳолда ўртача 25 фоизга оширилган;

- давлат тиббиёт муассасалари тиббиёт ва фармацевтика ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш миқдорлари 2018 йил 1 декабрдан 20 фоизга оширилган;

- илмий-техникавий дастурларни амалга оширишда иштирок этувчи раҳбар ва илмий ходимларнинг базавий лавозим маошлари 2018 йил 1 сентябрдан бошлаб табақалашган тартибда ўртача 25 фоизга оширилган;

- маданият муассасаларининг маъмурий-бошқарув, бадиий-раҳбар, артист, ижодий ва бошқа ходимларининг, шунингдек давлат архивлари бошқарув ходимлари ва мутахассисларининг меҳнат ҳақи миқдорлари 2018 йилнинг 1 июнидан 45 фоизга оширилган.

### *2018 йил арzon уй-жойлар қурилишига аёжратилган маблаглар тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 23 октябрдаги “2017-2020 йилларда шаҳарларда арzon кўп квартирали уйларни қуриш ва реконструкция қилиш дастурини самарали амалга ошириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3350-сонли қарори асосида шаҳарларда арzon кўп квартирали уйлар қуриш дастурларига мувофиқ 2018 йилда республиканинг шаҳар марказларида 13 917 хонадонли 335 та ҳамда ушбу дастурга қўшимча равищда 3 213 та хонадонли 76 та жами 411 та кўп квартирали уйлар қурилиши амалга оширилди.

Мазкур 411 та кўп квартирали уйларни қурилиши учун 2018 йилда Давлат бюджети маблағлари хисобидан 2 533 млрд.сўм маблағлар кредит тарзида ажратиб берилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 18 январдаги “2018 йилда уй-жой қурилишини ривожлантириш мақсадли дастурларини самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-3480-сонли қарорига асосан қишлоқ жойларда 2018 йилда 20 000 та (16 246 таси уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож оиласлар учун, 3 754 таси ёш оила ва ҳарбий хизматчилар учун) ҳамда дастурга қўшимча равишда 5 276 та намунавий арzon уй-жойлар қурилиши амалга оширилган.

Ушбу уй-жойлар қурилиши учун 2018 йилда Давлат бюджети маблағлари хисобидан 818,0 млрд.сўм маблағлар қурилишда иштирок тижорат банклариға кредит тарзида ажратиб берилган.

### **3. Давлат бюджети даромад қисмининг ижроси**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2018 йилги асосий мақроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги ПҚ-3454 сонли қарорига мувофиқ Давлат бюджети даромадларининг 2018 йил учун тасдиқланган прогнози (давлат мақсадли жамғармаларисиз) **62 229,5 млрд.сўмни** ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги асосий мақроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари ҳамда 2020-2021 йилларга бюджет мўлжаллари тўғрисида”ги ПҚ-4086 сонли қарорига мувофиқ Давлат бюджети даромадларининг аниқлаштирилган прогнози (давлат мақсадли жамғармаларисиз) **62 500,0 млрд.сўм** этиб белгиланган (Молия вазирлиги томонидан ҳисоби юритиладиган даромадлар прогнози 270,5 млрд.сўмга аниқлаштирилган).

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2018 йилги даромадлар (давлат мақсадли жамғармаларисиз) ижроси **79 099,0 млрд.сўмни**, аниқлаштирилган режага нисбатан 16 599,0 млрд.сўм кўп ёки 126,6 фоизни ташкил этган.

### **Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетининг 2018 йилдаги даромадлари тўғрисида маълумот**

млрд.сўм

Кўрсаткичлар	Аниқлаш-тирилган режа	Касса ижроси	Фарқи	
			сумма	%
Даромадлар, давлат мақсадли жамғармаларисиз - жами	<b>62 500,0</b>	<b>79 099,0</b>	<b>16 599,0</b>	<b>126,6</b>
Давлат солиқ қўмитаси тушумлари	42 112,2	54 194,3	12 082,1	128,7
Давлат божхона қўмитаси тушумлари	9 685,2	11 489,3	1 804,1	118,6

Кўрсаткичлар	Аниқлаштирилган режа	Касса ижроси	Фарқи	
			сумма	%
Молия вазирлиги тушумлари	10 702,6	13 415,4	2 712,9	125,3
<b>Бевосита соликлар</b>	<b>12 808,3</b>	<b>15 656,2</b>	<b>2 848,0</b>	<b>122,2</b>
юридик шахсларнинг фойда солиги	2 511,0	3 502,2	991,2	139,5
савдо ва умумий овқатланиш корхоналари учун ягона солик тўловидан Давлат бюджетига ажратмалар	1 907,7	2 108,5	200,9	110,5
микрофирма, кичик ва бошқа корхоналар учун ягона солик тўловидан Давлат бюджетига ажратмалар	2 110,4	2 597,9	487,6	123,1
жисмоний шахслардан даромад солиги	5 215,8	6 422,7	1206,9	123,1
айрим тадбиркорлик фаолият турлари бўйича қатъий белгиланган солик	1 063,4	1 024,8	-38,6	96,4
<b>Билвосита соликлар</b>	<b>34 132,1</b>	<b>41 280,4</b>	<b>7148,3</b>	<b>120,9</b>
кўшилган қиймат солиги	22 019,9	27 876,5	5856,6	126,6
акциз солиги	9 048,0	9 702,2	654,1	107,2
божхона божи	1 415,3	1 826,4	411,1	129,0
транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солик	1 323,2	1 543,9	220,7	116,7
абонент рақамидан фойдаланилганлик учун Давлат бюджетига ажратмалар	325,6	331,3	5,7	101,8
<b>Ресурс тўловлари ва мол-мулк солиги</b>	<b>9 736,9</b>	<b>12 663,4</b>	<b>2926,6</b>	<b>130,1</b>
мол-мулк солиги	2 226,9	2 606,1	379,2	117,0
ер солиги	1 312,6	1 504,2	191,6	114,6
ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солик	6 111,4	8 424,7	2313,3	137,9
сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солик	86,0	128,4	42,4	149,4
<b>Қўшимча фойда солиги</b>	<b>1 314,2</b>	<b>1 528,0</b>	<b>213,8</b>	<b>116,3</b>
<b>Бошқа даромадлар</b>	<b>4 508,6</b>	<b>7 971,0</b>	<b>3462,4</b>	<b>176,8</b>

2018 йил якунида Давлат бюджетига ҳақиқатда **79 099,0 млрд.сўм** даромадлар ундирилиши таъминланган, шундан солик органлари томонидан **54 194,3 млрд.сўм** ёки умумий даромадларнинг 68,5 фоизи, божхона органлари томонидан **11 489,3 млрд.сўм** ёки умумий даромадларнинг 14,5 фоизи, Молия вазирлиги томонидан **13 415,4 млрд.сўм** ёки умумий даромадларнинг 14,5 фоизи миқдоридаги тушумлар таъминланган.

Солик органлари ваколатидаги Давлат бюджетига тўланадиган солик ва тўловлар бўйича прогноз кўрсаткичлари 42 112,2 млрд.сўм белгиланган бўлиб, амалда 54 194,3 млрд.сўмга, прогнозга нисбатан 12 082,1 млрд.сўмга кўп ёки 128,7 фоизга бажарилган.

Божхона органлари ваколатидаги Давлат бюджетига тўланадиган солик ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича прогноз кўрсаткичлари 9 685,2 млрд.сўм белгиланган бўлиб, амалда 11 489,3 млрд.сўмга, прогнозга нисбатан 1 804,1 млрд.сўмга кўп ёки 118,6 фоизга бажарилган.

Молия вазирлиги томонидан ҳисоби юритиладиган Давлат бюджети даромадлари прогнози 10 703,0 млрд.сўм белгиланган бўлиб, амалда 13 415,0 млрд.сўмга, прогнозга нисбатан 2 712,0 млрд.сўмга кўп ёки 125 фоизга бажарилган.

### **Давлат бюджети даромадлари бўйича прогноз кўрсаткичларининг бюджетлар кесимидаи ижроси**

(млрд.сўм)

<b>Кўрсаткичлар</b>	<b>Аниқлаштирилган параметрлар</b>	<b>Амалдаги тушумлар</b>	<b>Фарки</b>	
			<b>сумма</b>	<b>%</b>
<b>Даромадлар - жами шу жумладан:</b>	<b>62 500,0</b>	<b>79 099,0</b>	<b>16 599,0</b>	<b>126,6</b>
Ўзбекистон Республикаси республика бюджети	44 047,3	56 154,8	12 107,4	127,5
Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари	18 452,7	22 944,2	4 491,6	124,3

Ўзбекистон Республикаси республика бюджети даромадларининг белгиланган 44 047,3 млрд.сўм прогноз кўрсаткичлари амалда **56 154,8 млрд.сўмга** ёки прогнозга нисбатан 12 107,4 млрд.сўмга орттириб (127,5 фоиз), Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳри маҳаллий бюджетлари даромадларининг 18 452,7 млрд.сўм белгиланган прогноз кўрсаткичлари амалда **22 944,3 млрд.сўмга** ёки прогнозга нисбатан 4 491,6 млрд.сўмга орттириб (124,3 фоизга) бажарилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 декабрдаги ПҚ-3454-сонли қарорига асосан 2018 йил давомида солик тушумлари бўйича белгиланган чораклик прогноз кўрсаткичлари таҳлил қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 127 - моддасига асосан:

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар, шунингдек туманлар ва шаҳарлар Кенгашлари ўз бюджетларининг баланслилиги бузилишига ва Давлат бюджети тақчиллигининг тасдиқланган чекланган миқдори ошишига олиб келадиган тегишли бюджет даромадларини қисқартиришга ёки харажатларини кўпайтиришга қаратилган бирор-бир қарор қабул қилишга ҳақли эмас.

Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари қабул қилинганидан кейин молия йили мобайнида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар, шунингдек туманлар ва шаҳарлар Кенгашларининг тегишли бюджет даромадлари қисқаришига олиб келадиган қарорлари тегишли бюджет харажатлари қисқартирилган тақдирдагина қабул қилиниши мумкин.

Агар Давлат бюджети қабул қилинганидан кейин молия йили мобайнида тегишли бюджетларнинг даромадлари ва харажатлари параметрларини кўпайтириш ёки камайтириш тўғрисида қарорлар қабул қилинса, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар молия органлари томонидан тегишли даражадаги бюджетлар ҳажмларига ўзгартиришлар киритилади. Харажатларни кўпайтириш ёки қисқартириш барча даражадаги бюджетлар ўртасида ўзаро хисоб-китоблар йўли билан амалга оширилади.

Даромадларни 2018 йил учун тасдиқланган прогноз кўрсаткичларига I - IV чораклар давомида ўзгартиришлар киритилиши натижасида йиллик прогноз 3 та ҳудуд бўйича 308,3 млрд.сўмга камайтирилган ва 4 та ҳудуд бўйича шу суммага **оширилган** (ҳудудлар бўйича қайта тақсимланган).

Жумладан, йиллик прогноз кўрсаткичлари Бухоро вилоятида 170,3 млрд.сўмга, Тошкент шаҳрида 95,0 млрд.сўмга ва Қорақалпоғистон Республикасида 43,0 млрд.сўмга камайтирилган.

Тошкент вилоятида 68,0 млрд.сўмга, Сурхондарёда 37,1 млрд.сўмга, Наманган вилоятида 24,4 млрд.сўмга, Жиззах вилоятида 17,0 млрд.сўмга ва Давлат солиқ қўмитаси назоратидаги тушумлар бўйича 161,8 млрд.сўмга **оширилган**.

### **Маҳаллий бюджетларни 2018 йилдаги даромадлари ижроси тўғрисида** (млрд.сўм)

Ҳудудлар	Аниқлаштирилган параметрлар	Амалдаги тушумлар	Фарқи	%
<b>ЖАМИ</b>	<b>18 452,7</b>	<b>22 944,3</b>	<b>4 491,6</b>	<b>124,3</b>
Қорақалпоғистон Республикаси	1 394,0	2 241,1	847,2	160,7
Андижон вилояти	1 290,1	1 709,0	418,9	132,5
Бухоро вилояти	1 190,5	1 383,0	192,6	116,2
Жиззах вилояти	758,7	948,3	189,6	125,0
Қашқадарё вилояти	1 909,9	2 341,1	431,2	122,6
Навоий вилояти	860,0	1 217,1	357,1	141,5
Наманган вилояти	1 112,8	1 360,0	246,8	122,2
Самарқанд вилояти	1 637,5	1 970,8	333,3	120,4
Сурхондарё вил.	1 089,3	1 378,3	289,1	126,5
Сирдарё вилояти	535,0	710,2	175,2	132,8
Тошкент вилояти	1 760,4	1 949,3	188,9	110,7
Фарғона вилояти	1 588,0	1 833,2	245,2	115,4
Хоразм вилояти	892,6	1 106,3	213,7	123,9
Тошкент шаҳри	2 433,9	2 796,4	362,5	114,6

Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 28-моддасида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгесининг, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар Кенгашларининг қарорларига мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари, туманлар ва шаҳарлар бюджетлари параметрларини тасдиқланиши белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 декабрдаги ПҚ-3454-сонли қарорида белгиланган кўрсаткичлари асосида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари қарорлари билан Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг параметр кўрсаткичлари тасдиқланган.

Тошкент шаҳрида 13 та, Фарғона вилоятида 12 та, Тошкент вилоятида 8 та, Қашқадарё вилятида 4 та даромад турлари бўйича бюджетлар ўртасида тақсимот (ажратмалар меъёри) Халқ депутатлари Кенгашлари томонидан қабул қилинган қарорларда акс эттирилмаган.

Шунингдек, Қашқадарё вилоят ҳокимининг 2018 йил 9 январдаги X-14/01-сонли “Қашқадарё вилоятининг 2018 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва маҳаллий бюджет параметрлари тўғрисида”ги қарорининг 2-бандида 2018 йил 1 январдан бошлаб жисмоний шахслар томонидан тўланадиган даромад солиги туман(шаҳар)лар бюджетларида тўлиқ миқдорда қолдирилиши белгиланган бўлсада, ҳақиқатда **374,7 млрд.сўм** даромадлар туман(шаҳар)ларнинг 10 тасида тўлиқ миқдорда, 5 тасида қисман вилоят маҳаллий бюджетига тақсимот қилинган.

Тошкент вилоят ҳокимининг 2017 йил 30 декабрдаги 786-сонли “Тошкент вилоятининг 2018 йилги маҳаллий бюджети параметри тўғрисида”ги қарорининг 5-бандида абонент рақамидан фойдаланганлик учун тўловлар вилоят ва туманлар бюджетлари ўртасида тақсимланиши белгиланган бўлсада, 2018 йил мобайнида жами 9,7 млрд.сўм тушумлар тўлиқ миқдорда вилоят маҳаллий бюджетида қолдирилган.

Йиллик параметр кўрсаткичлари жами **63 та** туман(шаҳар)лар бўйича 476 463,9 млн.сўмга камайтирилган бўлса **26 тасида** шу суммага оширилган.

(млн.сўм)

т/р	Худудлар номи	Шаҳар ва туманлар бўйича			
		Кўпайишга		Камайишга	
		сони	суммаси	сони	суммаси
	<b>Жами</b>	<b>26</b>	<b>476 463,9</b>	<b>63</b>	<b>-476 463,9</b>
	ицундан				
1	Қорақалпоғистон Республикаси	1	16 106,8	10	-59 106,8
2	Андижон вилояти	2	10 499,8	14	-10 499,8
3	Бухоро вилояти			13	-170 331,6

т/р	Худудлар номи	Шаҳар ва туманлар бўйича			
		Кўпайишга		Камайишга	
		сони	суммаси	сони	суммаси
4	Жиззах вилояти	1	17 000,0		
5	Наманган вилояти	1	24 434,0		
6	Самарқанд вилояти	5	8 298,1	10	-8 298,1
7	Сурхондарё вилояти	2	37 124,3		
8	Тошкент вилояти	11	195 727,6	11	-127 727,6
9	Тошкент шаҳар	2	5 500,0	5	-100 500,0
10	ДСҚ тушумлари	1	161 773,3		

Шундан, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Халқ депутатлари Кенгашларининг қарорларига тегишли ўзгаришлар киритилмасдан асоссиз равишда **41 та** туман(шаҳар)да тасдиқланган параметрларга **34 514,6 млн.сўм** ўзгартиришлар киритилган (10 та ҳудудда 15 278,0 млн.сўмга кўпайтирилган, 31 та ҳудудда 19 236,6 млн.сўмга камайтирилган).

### **Маҳаллий бюджет параметрларини ўзгартирган ҳудудлар тўғрисида маълумотлар**

(млн.сўм)

№	Худудлар номи	Худуд сони	Тасдиқланган параметр	Аниқлаштирилган параметр	Фарқи
<b>ЖАМИ</b>		<b>31</b>	<b>701 947,5</b>	<b>682 711,0</b>	<b>-19 236,6</b>
		<b>10</b>	<b>2 355 872,2</b>	<b>2 371 150,2</b>	<b>15 278,0</b>
1	Қорақалпоғистон Республикаси	2	29 795,5	36 800,6	7 005,0
2	Андижон вилояти	1	968 791,7	971 440,7	2 649,0
		16	321 308,3	318 659,3	-2 649,0
3	Самарқанд вилояти	3	141 690,9	136 066,9	-5 624,0
		7	1 357 285,0	1 362 909,0	5 624,0
4	Тошкент вилояти	12	238 948,4	227 984,9	-10 963,6

### **Даромадларни белгиланган ажратмалар меъёрларига мувофиқ бюджет даражалари ўртасида тақсимоти**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 декабрдаги ПҚ-3454-сонли қарори ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари томонидан Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари параметрларида умумдавлат солиқларидан маҳаллий бюджетларга солиқлар, ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича туман (шаҳар)лар бюджетларига ажратмалар меъёрлари белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-3454-сонли қарорининг 25-бандида бюджет даражалари бўйича бириктирилган даромадлар Халқ депутатлари Кенгашлари қарорларига зид равишда, яъни Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бюджети учун бириктирилган айрим даромадлар, жумладан, давлат божи, жарима ёки йигимлар туман (шаҳар) бюджетига бириктирилган ҳолда тасдиқланган.

Халқ депутатлари Кенгашлари қарорларида кўрсатилган бюджет даромадларини бюджет даражалари ўртасида тақсимлаш меъёрларни Молия органлари томонидан “Давлат молиясини бошқариш ахборот тизими”га нотўғри киритилган.

Натижада, 6 та ҳудудда **959,7 млн.сўм** маҳаллий бюджет даромадлари ва Ўзбекистон Республикаси республика бюджети, 59 та туман(шаҳар)да **10 816,9 млн.сўм** маҳаллий бюджетлари даромадлари ва Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари ва туман(шаҳар)лар бюджетлари ўртасида **138 112,0 млн.сўм** фарқлар мавжуд.

### **Давлат бюджети даромадлари ижроси тўғрисидаги ҳисоботни тузилиши ва даромадлар манбаларини тўлиқ акс эттирилиши**

Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 165-моддасига мувофиқ Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисобот қуидаги ҳисобот шаклларини ўз ичига олади:

Давлат бюджети ижросининг балансини;

Давлат бюджети даромадларининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни;

Давлат бюджети харажатларининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни;

бюджет ташкилотларининг дебиторлик ва кредиторлик қарзлари тўғрисидаги маълумотномани;

Давлат бюджетидан молиялаштириладиган бюджет ташкилотлари бўйича тармоқ, штатлар ва контингентга доир режанинг бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботни.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ушбу шакллар бўйича Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги йиллик ҳисоботни тузади.

**1. Давлат бюджети даромадларининг ижроси тўғрисидаги ҳисобот шакли** Молия вазирининг 2013 йил 2 декабрдаги 157-сонли буйруғи билан тасдиқланган шаклда тузилиб, Вазирлар Маҳкамасига тақдим этиб келинмоқда.

Бюджет кодексининг 29-моддасида Молия вазирлигининг бюджет соҳасидаги ваколатлари белгиланган бўлиб, унда Молия вазирлиги томонидан Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг ижроси тўғрисидаги ҳисобот шаклларини

белгилаш кўрсатилган бўлиб, Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги йиллик ҳисобот шаклини тасдиқлаш белгиланмаган.

Молия вазирининг 2013 йил 2 декабрдаги 157-сонли буйруғи билан тасдиқланган ҳисобот шаклида Давлат бюджети даромадларининг фақатгина йиллик прогноз кўрсаткичлари ва хақиқатда тушумлари тўғрисидаги маълумотлар акс эттирилган.

Ушбу ҳисобот шаклида даромадларни туман(шаҳар)дан шаклланган миқдорлари, молия йилида солик ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича Давлат бюджетига ҳисобланган даромадлар, солик ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарздорликлар, ҳисобот даврида ортиқча тўланган солик ва бошқа мажбурий тўловлар ҳамда Давлат бюджети даромадлари ҳисобидан берилган имтиёзлар ва ташкилотларни ривожлантириш жамғармаларига ўтказиб берилган бюджет даромадлари тўғрисидаги маълумотлар акс этмайди.

Аудит жараёнида 2018 йилда Давлат бюджетининг жами даромадлар манбай ва унинг тақсимланиши бўйича маълумотлар шакллантирилди.

### **2018 йилда Давлат бюджетининг жами даромадлар манбалари тўғрисида маълумот**

(млрд.сўм)

<b>Кўрсаткичлар</b>	<b>Даромадлар</b>	<b>Улуши, %</b>
<b>ЖАМИ ДАРОМАДЛАР МАНБАИ</b>	<b>152 430,7</b>	<b>100,0</b>
<i>шундан:</i>		
Давлат бюджети даромадларига кирим қилинган маблағлар	79 099,0	51,9
Имтиёзлар берилиши ҳисобидан корхона ва ташкилотларда қолдирилган маблағлар	70 218,3	46,1
<i>Давлат солик қўймитаси томонидан ундириладиган даромадлар бўйича</i>	22 707,5	14,9
<i>Давлат божхона қўймитаси томонидан ундириладиган даромадлар бўйича</i>	47 510,8	31,1
Давлат божлари, йиғимлар ва Давлат бюджетининг бошқа даромадлари ҳисобидан вазирлик ва идораларнинг маҳсус ҳисоб рақамларида қолдирилган бюджет даромадлари	3 113,4	2,0

Ўзбекистон Республикаси Солик кодексининг 30-моддасига асосан, ушбу кодексда, бошқа қонунларда ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорларида назарда тутилган, бошқа солик тўловчиларга нисбатан айrim тоифадаги солик тўловчиларга бериладиган афзалликлар, шу жумладан солик ва (ёки) бошқа мажбурий тўлов тўламаслик ёхуд уларни камроқ миқдорда тўлаш имконияти солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича имтиёзлар деб эътироф этилади.

Солиқ кодексининг ушбу моддасига 2019 йил 1 январдан бошлаб, алоҳида ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан имтиёзларни белгилаш бўйича ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг 296-моддасига асосан божхона тўловларини тўлаш бўйича имтиёзлар ва тариф преференциялари бериш ушбу кодексга, бошқа қонунларга, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорларига биноан юридик ва жисмоний шахсларга тариф имтиёзлари, қўшилган қиймат солиғини, акциз солиғини ва божхона йиғимларини тўлаш бўйича имтиёзлар, тариф преференциялари берилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси, Божхона кодекси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармон, қарор ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишларига мувофиқ Давлат бюджетига ундириладиган даромадлар ҳисобидан солиқ тўловчиларга 70 218,3 млрд.сўмлик имтиёз ва преференциялар берилган.

Жумладан, Давлат божхона қўмитаси томонидан ундириладиган давлат божлари, акциз ва қўшилган қиймат солиғи ҳамда божхона тўловлари бўйича жами **48 799,2 млрд.сўм** имтиёзлар (Давлат бюджети даромадлари бўйича 47 510,8 млрд.сўм, давлат мақсадли жамғармаларининг даромадлари бўйича 1 288,4 млрд.сўм) қўйидаги асосларда қўлланилган:

- халқаро шартномалар бўйича 4 та ҳолатда - 2 077,4 млн.сўм;
- Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари, солиқ ва божхона кодексларида белгилangan нормалар асосида 41 та йўналишда 17 747,1 млн.сўм;
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 15 та Фармони асосида 6 577,3 млн.сўм;
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 147 та қарори асосида 18 508,1 млн.сўм;
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 26 та фармойиши асосида 637,7 млн.сўм;
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 28 та қарори асосида 1 040,6 млн.сўм;
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 28 та фармойиши асосида 145,9 млн.сўм;
- Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг топшириғига асосан 8 та ҳолатда 2 006,2 млн.сўм;
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг топшириғига асосан 1 та ҳолатда 28,9 млн.сўм.

**2018 йилда Давлат божхона қўмитаси томонидан ундириладиган тўловлар бўйича қўлланилган имтиёзлар тўғрисида маълумот**

(млрд.сўм)

Т/р	Соҳалар	Импорт қилинган маҳсулотлар бўйича имтиёзлар суммаси			
		Жами	ишу жумладан		
			Давлат божи	Акциз солиги	ККС
	<b>ЖАМИ</b>	<b>48 799,1</b>	<b>13 771,3</b>	<b>2 514,2</b>	<b>32 513,5</b>
1	Транспорт воситалари ва жиҳозлар, бутловчи буюмлар	<b>24 364,2</b>	8 231,3	1 807,5	14 325,4
2	Лампалар, ёритиш ускуналари, электрон техника	<b>1 748,1</b>	446,6	118,3	1 183,1
3	Пойабзal, текстил маҳсулотлари, жун ва теридан ясалган буюмлар	<b>1 186,4</b>	447,8	3,0	735,6
4	Гигиена воситалари, бўёқ ва лаклар, кимё саноати ва фармацевтика маҳсулотлари	<b>2 218,7</b>	215,6	22,8	1 980,4
5	Мебел ва унинг бутловчи қисмлари	<b>143,8</b>	61,2	6,9	75,6
6	Ўйинчоқлар	<b>17,5</b>	599,3	0,1	16,8
7	Алкогол ва тамаки маҳсулотлари	<b>9,6</b>	7,9	0,07	1,6
8	Қоғоз, металл, ёғоч, пластмасса, шиша, каучук, резина ва улардан ясалган буюмлар	<b>8 780,9</b>	1 641,8	345,0	6 794,1
9	Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари, дараҳт ва ўсимликлар, жониворлар, озука ва ўғитлар	<b>2 390,8</b>	412,5	4,5	1 973,8
10	Нефт ва нефт маҳсулотлари, табиий қазилмалар, электроэнергия, кўмир, газ	<b>3 046,1</b>	773,0	205,9	2 067,1
11	Қурол, харбий техника, порох ва ундан ясалган буюмлар	<b>11,4</b>	9,2		2,3
12	Санъат асарлари, антиквариат, фотокиномахсулотлар	<b>5,2</b>	0,07		5,1
13	Хорижий валюта купюралари	<b>4 876,2</b>	1 523,7		3 352,5

*Изоҳ. Божхона йигимлари бўйича қўлланилган имтиёзлар 4,5 млрд.сўм.*

Давлат солиқ қўмитаси томонидан 2018 йилда 59 792 та солиқ тўловчиларга **22 707,5** млн.сўм солиқ имтиёзлари қўлланилган.

Жумладан,

- Ўзбекистон Республикасининг Конунлари ва солиқ кодексида белгиланган нормалар асосида 2 та йўналишда 11 635,8 млн.сўм;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 37 та Фармони асосида 580,8 млн.сўм;
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 226 та қарори асосида 8 734,7 млн.сўм;
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 4 та фармойиши асосида 38,1 млн.сўм;
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 25 та қарори асосида 982,6 млн.сўм;
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2 та фармойиши асосида 1,1 млн.сўм;
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг алоҳида топшириғига асосан 733,1 млн.сўм;
- Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига рўйхатдан ўтган йўриқномага асосан 1 та ҳолатда 1,4 млн.сўм.

### **Давлат солик қўмитаси томонидан Давлат бюджетига ундириладиган даромадлар хисобини юритилиши**

2018 йилда солик органлари томонидан Давлат бюджетига ҳақиқатда **54 194,3 млрд.сўм** ёки умумий жами даромадларнинг 68,5 фоизи ундирилиб, белгиланган 42 112,2 млрд.сўм йиллик прогноз кўрсаткичлари амалда 128,7 фоизга бажарилган.

### **Давлат бюджетига солик тушумлари тўғрисида маълумот**

(млрд.сўм)

<b>№</b>	<b>Худудлар номи</b>	<b>Прогноз</b>	<b>Ҳақиқатда тушум</b>	<b>Кўшимча тушум</b>	<b>Бажарилиши (%)</b>
1	Қорақалпоғистон Республикаси	1 394,0	2 377,8	983,9	170,6
2	Андижон вилояти	1 314,4	1 760,2	445,8	133,9
3	Бухоро вилояти	2 073,9	2 767,3	693,5	133,4
4	Жizzах вилояти	762,9	957,9	195,0	125,6
5	Қашқадарё вилояти	3 143,3	3 895,8	752,5	123,9
6	Навоий вилояти	4 485,5	5 421,7	936,2	120,9
7	Наманган вилояти	1 112,8	1 362,4	249,6	122,4
8	Самарқанд вилояти	1 653,3	2 011,1	357,8	121,6
9	Сурхондарё вилояти	1 089,3	1 382,8	293,6	126,9
10	Сирдарё вилояти	593,7	813,2	219,5	137,0
11	Тошкент вилояти	4 319,0	5 996,9	1 678,0	138,9
12	Фарғона вилояти	2 299,2	2 778,2	478,9	120,8
13	Хоразм вилояти	955,9	1,192,4	236,5	124,7
14	Тошкент шаҳри	11 384,0	13 421,9	2 037,9	117,9
15	ДСҚ тушумлари	5 531,2	8 054,7	2 523,5	145,6
	<b>Жами</b>	<b>42 112,2</b>	<b>54 194,3</b>	<b>12 082,1</b>	<b>128,7</b>

1. Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 164-моддасида Давлат солик қўмитаси ва Давлат божхона қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига ҳисбот даври учун солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг ҳисобланиши ҳамда тушуми тўғрисида ҳисботларни тақдим этиши белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил 11 марта 2660-сон билан рўйхатдан ўтказилган “Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларига солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг ҳисобланиши ва тушумлари тўғрисидаги ҳисботлар, тушумлар бўйича солиштириш далолатномаларни тузиш ҳамда тақдим қилиш тартиби тўғрисидаги низом”га мувофиқ барча даражадаги бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармаларга ундирилган даромадлар бўйича Давлат солик қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси ва Молия вазирлиги ўзаро солиштириш далолатномаларини тузишлари белгиланган.

Аудит жараёнида Давлат солик қўмитасининг масъул ходимлари томонидан тақдим этилган (“1-Н” ҳисбот шакли) ҳамда қўшимча равища Давлат солик қўмитасининг маълумотлар базасидан олинган маълумотлар таҳлил қилинганда солик органлари томонидан Давлат бюджетига ундирилган даромадлар 54 202,7 млрд.сўмни ёки Молия вазирлиги тақдим қилган ҳисботдаги маълумотларига нисбатан 86 та даромад тури бўйича **8,4 млрд.сўмга фарқ қилгани аниқланди**.

Бунда 41 та даромад тури бўйича Молия вазирлиги ҳисботида Давлат солик қўмитаси ҳисботига нисбатан тушумлар 2 464,5 млн.сўмга кўп кўрсатилган бўлса, 45 та даромад тури бўйича тушумлар 10,9 млрд.сўмга кам кўрсатилган.

Масалан, чакана савдо соҳасидаги кичик корхона ва микрофирмалар (дорихона ташкилотларидан ташқари) томонидан тўланган ягона солик тўловидан Давлат бюджетига ажратмалар бўйича тушумлар Молия вазирлиги ҳисботида 313 681,0 млн.сўм кўрсатилган бўлиб, “1-Н” ҳисботида Давлат бюджетига тушумлар 313 030,2 млн.сўмни ёки Молия вазирлиги ҳисботига нисбатан **650,2 млн.сўмга кам** акс эттирилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан автотранспорт воситаларини қайта рўйхатдан ўтказганлик учун олинадиган йигимлар ва бошқа йигимлар Молия вазирлиги ҳисботида 325 476,8 млн.сўм кўрсатилган бўлиб, “1-Н” ҳисботида 326 828,6 млн.сўмни ташкил этган ёки Молия вазирлиги ҳисботига нисбатан **1 351,7 млн.сўмга кўп** акс этган.

Давлат бюджетига 2018 йилда ҳисблangan солик ва бошқа мажбурий тўловлар ҳамда йил давомида солик қарздорлигининг ўзгариши, солик тўловчиларнинг ортиқча ёки олдиндан амалга оширган тўловлари ҳисбидан шаклланган даромадлар каби кўрсаткичлар Давлат солик қўмитасининг масъул ходимлари томонидан тақдим этилган ва Давлат солик қўмитасининг

маълумотлар базасидан олинган маълумотлар асосида таҳлил қилинди (*ушибу маълумотлар Давлат бюджетининг даромадлар ижроси тўғрисидаги ҳисоботда акс эттирилмайди*).

2018 йил якуни бўйича тақдим этилган солик ҳисоботларида жами ҳисобланган соликлар **58 097,3 млрд.сўмни** ташкил этган.

**Солик қарздорлиги** 2018 йил 1 январь ҳолатига 4 239,5 млрд.сўмни, йил якунида эса 1 194,2 млрд.сўмга камайган ҳолда 3 045,3 млрд.сўмни ташкил этган.

Солик тўловчилар томонидан **ортиқча тўловлар** 2018 йил 1 январь ҳолатига 2 308,3 млрд.сўмни, йил якунида эса **1 137,0 млрд.сўмга ортган** ҳолда 3 445,3 млрд.сўмни ташкил этган.

Давлат солик қўмитаси томонидан тақдим этилган маълумотлар асосида соликларни ундирувчанлиги таҳлил қилинганда, 2018 йилда **соликларни ийгувчанлик даражаси 84,5 фоизни** ташкил этгани маълум бўлди.

Давлат бюджетининг даромадлар ижроси тўғрисидаги ҳисобот шакллари юқоридаги кўрсаткичларни тўлиқ ёритишга мос ҳолда ишлаб чиқилмаган.

### Давлат солик қўмитаси томонидан ундириладиган маблағлар бўйича

(млрд.сўм)

Прогноз	Ҳисобланган соликлар	Ҳақиқатда тушум	Солик қарзи			Ортиқча тўлов			Ийгувчанлик даражаси
			01.01.18 йил	01.01.19 йил	ўзгариш	01.01.18 йил	01.01.19 йил	ўзгариш	
42 112,2	58 097,3	54 194,3	4 239,5	3 045,3	-1 194,2	2 308,3	3 445,3	1 137,0	84,5%

### Давлат божхона қўмитаси томонидан Давлат бюджетига ундириладиган даромадлар ҳисобини юритилиши

Божхона тўловлари бўйича йиллик прогноз **9 685,2 млрд.сўм** миқдорида белгиланган бўлиб, 2018 йил давомида Давлат бюджетига **11 487,2 млрд.сўм** тушумлар ундирилган ва белгиланган прогноз 118,6 фоизга бажарилган.

### Давлат бюджет даромадларида божхона тўловларининг ижроси

(млрд.сўм)

Т/р	Даромадлар	Прогноз	Ҳақиқатда тушум	Фарқи	Бажарилиши (%)
	<b>Жами</b>	<b>9 685,2</b>	<b>11 487,2</b>	<b>1 804,0</b>	<b>119</b>
1	Кўшилган қиймат солиги	6 976,4	8 776,0	1 799,5	126
2	Акциз солиги	1 035,7	514,8	-520,9	50

Т/р	Даромадлар	Прогноз	Ҳақиқатда тушум	Фарқи	Бажарилиши (%)
3	Божхона божи	1 415,3	1 826,4	411,1	129
4	Бошқа тўловлар	257,8	372,0	114,2	144

Давлат бюджетига божхона тўловларини ўз вақтида ўтказилганлиги ва Давлат бюджети ҳисоботларида акс эттирилиши таҳлил қилинганда қўйидагилар маълум бўлди.

1. Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг 328-моддасига асосан тўланган божхона тўловлари товар чиқарип юборилган кундан ёки тўланиши товарларнинг божхона расмийлаштирувига боғлиқ бўлмаган божхона тўловлари учун божхона органи томонидан ҳаракатлар ёки тартиб-таомиллар бажарилган кундан эътиборан **беш иш куни ичida** божхона органлари томонидан Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига ўтказилиши кўзда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидан 2016 йил 30 марта 2771-сон билан рўйхатдан ўтган “Бюджет тизими бюджетлари даромадларининг касса ижроси тўғрисида”ги Йўриқноманинг 21-22 бандларига асосан божхона тўловлари божхона органларининг Молия вазирлигини Давлат молиясини бошқаришни ахборот тизимида очилган депозит шахсий ғазна ҳисобварақларида акс эттирган ҳолда тегишли шаклдаги тўлов ҳужжатларига асосан амалга оширилади.

Тўлов топшириқномалар асосида Давлат бюджетига ўтказиладиган божхона тўловларининг микдори Божхона кодексининг 15, 21, 26, 163, 255, 256, 258-моддаларига асосан божхона юк декларацияси ҳамда божхона кирим ордерида қайд қилинган суммалар асосида аниқланади.

2018 йил давомида божхона органлари томонидан божхона юк декларацияси ва божхона кирим ордерига асосан 11 764,7 млрд.сўмлик божхона тўловлари ҳисобга олинган бўлиб, шундан 11 704,5 млрд.сўми Давлат бюджетга ўтказиб берилган ва 2018 йилда **60,2 млрд.сўмлик** тўловлар Давлат бюджетига ўтказилмасдан қолган.

2. 2017 йилда Божхона кодексининг 269-моддасига асосан тўлиқ бўлмаган божхона юк декларацияси сифатида расмийлаштирилган 5 194 та божхона юк декларациялари бўйича ҳисобланган 494,1 млрд.сўмлик тўловлар Давлат бюджетига 2018 йил давомида ўтказиб берилган.

Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг 334-моддасида асосан ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари томонидан келгусидаги тўловлари учун божхона органининг шахсий ғазна ҳисобварафига олдиндан ўтказилган пул маблағларига тўловчининг кўрсатмаси берилмагунга қадар **божхона тўловлари сифатида қаралиши мумкин эмаслиги** белгиланган.

3. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринbosари томонидан 2018 йил 30 октябрда берилган 05/1-1090-сонли топширикقا асосан 2018 йил 22 ноябрда божхона органлари томонидан тўлов ҳужжати тақдим қилинмасдан, Молия вазирлиги Газначилиги томонидан божхона органлари депозит шахсий ғазна ҳисобварафидан **100 млрд.сўм** маблағ Тошкент шаҳар “Ипотека-банк” бош амалиёти марказининг муддатли депозитига йиллик 6 фоиз ставкада жойлаштирилган.

Шунингдек, божхона органлари томонидан тўлов ҳужжати тақдим қилинмасдан, Газначилик томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 27 декабрдаги 1100-Ф сонли фармойишига Тошкент шаҳар божхона бошқармасининг депозит шахсий ғазна ҳисобварафидан **245,0 млрд.сўм** маблағлар 2018 йил 28 декабрда Тошкент шаҳар “Агробанк” АТБ марказий амалиёти муддатли депозитига йиллик 7 фоиз ставкада жойлаштирилган.

### **Молия вазирлиги томонидан ҳисоби юритиладиган Давлат бюджети даромадлар ижроси**

(млрд.сўм)

<b>Даромадларнинг номланиши</b>	<b>Прогноз</b>	<b>Тушум</b>
<b>ЖАМИ ДАРОМАДЛАР</b>	<b>10 763,7</b>	<b>13,415.6</b>
<i>шундай:</i>		
Қимматбаҳо металлар агентлиги томонидан тўланадиган қўшилган қиймат солиги	5 466,8	5 365,8
Қимматбаҳо металлар ва нодир тошлар қўмитаси томонидан заргарлик буюмлари ишлаб чиқарувчи корхоналарга сотиладиган олтин бўйича акциз солиги	3 468,0	4 184,0
Депозит ҳисобварафи кредитларидан фойдаланганлик учун фоиз тушумлари		231,5
Марказий банк даромади тушумлари	130,0	131,2
Давлатнинг акция (пай)дан бўлган улуши ҳисобидан тушган дивиденdlар(даромадлар)	140,0	148,8
Алоҳида турдаги товарларни сотишдан олинган тушумлардан республика бюджетига ўтказилиши лозим бўлган ижобий фарқ		2 321,7
Республика бюджетининг бошқа тушумлари	1 559,0	346.4
Ташкилотлар томонидан бюджет ссудаларининг қайтарилиши		531,0
<b>Давлат облигацияларини сотишдан тушган даромадлар</b>		<b>592,2</b>
Давлат қисқа муддатли облигацияларини сотишдан тушган даромадлар		184,1
Давлат ўрта муддатли облигацияларини сотишдан тушган даромадлар		408,1

1. Молия вазирлиги томонидан ҳисоби юритиладиган Давлат бюджети даромадлари йиллик прогнози 10 702,6 млрд. сўмга белгиланган бўлиб, 2018 йил давомида Давлат бюджетига 13 415,6 млрд. сўм тушумлар таъминланган ва прогноз кўрсаткичлари 125,3 фоизга бажарилган.

Бундан ташқари, 2018 йил бюджет дефицитини қоплаш мақсадида Молия вазирлиги томонидан қисқа ва ўрта муддатли облигациялар чиқарилиб, уларни сотишдан **592,2 млрд.сўмлик** тушумлар шакллантирилган ва бюджет дефицити шу суммага қисқартирилган.

Молия вазирлиги томонидан ҳисоби юритиладиган айrim даромад манбалари бўйича 2018 йилда **прогноз кўрсаткичлари тегишли қаторларда белгиланмаган**.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг маҳсус қарорларида:

- йиллик сотиладиган олтин микдори ҳамда жаҳон бозорида сотиш нархининг прогноз кўрсаткичлари;

- олтинга белгиланган чегара нархдан жаҳон нархининг ошиши натижасида ҳосил бўладиган даромадларнинг Давлат бюджетига тақсимоти тасдиқланган.

Юқоридаги қарорларда олтинга белгиланган чегара нархдан жаҳон нархининг ошиши натижасида ҳосил бўладиган даромадларнинг тақсимотидан Тикланиш ва тараққиёт жамғармасига тушадиган даромадлар прогнози 337,9 млн.долл. микдорида тасдиқланган.

Ушбу кўрсаткичлардан келиб чиқиб ҳисоб-китоблар амалга оширилганда мазкур даромад туридан мутаносиб равишда Давлат бюджетига тушадиган даромадлар прогнози 314,0 млн.долл. (2 512,0 млрд.сўм)ни ташкил этсада, Молия вазирлиги томонидан 2018 йилда ушбу даромад тури бўйича прогноз тегишли қаторларда белгиланмаган.

2018 йилда ушбу даромад тури бўйича (3412 214) республика бюджетига 2 321,0 млрд.сўм тушум таъминланган.

Натижада, республика бюджетининг 2018 йилда бошқа даромадлари бўйича 5 112,0 млрд.сўм прогноз кўрсаткичлари, ҳақиқатда 7 568,0 млрд.сўмга ёки 2 456,0 млрд.сўмга ортиқча тушум билан таъминланган.

2. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 244-моддасида кавлаб олинган (ажратиб олинган) тайёр маҳсулотнинг ҳажми ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ солиш обьекти ҳисобланиши ва тайёр маҳсулотлар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан белгиланиши қайд этилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 декабрдаги ПҚ-3454-сонли қарорида **порфирит ва палладий маҳсулотлари** бўйича ер қаъридан фойланаганлик солиқ ставкаси белгиланмасдан қолган.

Натижада, 2018 йилда сотилган 227,0 млн.сўмлик палладий маҳсулоти бўйича Давлат бюджетига солиқлар тўлови амалга оширилмаган.

Бюджет параметрларида қимматбаҳо металлар учун солиқ ставкаси 32 фоиз миқдорида белгиланган бўлиб, ушбу ставка бўйича ҳисоб-китоб қилинганда 2018 йилда **72,6** млн.сўм ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ ҳисобга олинмаган.

3. Олмалиқ кон-металларгия комбинати томонидан харид қилинган маҳсулотлар учун қўшилган қиймат солиғининг ҳисобга олиниши ва ортиқча ҳосил бўлган қўшилган қиймат солиғини қайтарилиши ўрганилди.

Харид қилинган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича қўшилган қиймат солиғидан **4,2** млрд.сўм ортиқча ҳисобга олинган, экспорт қилинган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича ҳисобга олинадиган қўшилган қиймат солиғи нотўғри аниқланган ва Давлат бюджетига **3,0** млрд.сўм қўшилган қиймат солиғи кам ҳисобланган.

Қимматбаҳо металлар савдоси бўйича ортиқча ҳосил бўлган қўшилган қиймат солиғини солиқ тўловчига қайтаришда нотўғри ҳисоб-китоб қилинган ва **1,4** млрд.сўм даромадлар солиқ тўловчига ортиқча қайтарилиган.

Аудит жараёнида аниқланган камчиликлар Олмалиқ КМК томонидан бартараф этилди, Олмалиқ шахар давлат солиқ инспекциясига қайта ҳисоб-китоблар тақдим этилиб, Давлат бюджетига **7,2** млн.сўм қўшимча солиқ ҳисобланди ва қимматбаҳо металлар савдоси бўйича ортиқча қайтарилиган **1,4** млрд.сўм қўшилган қиймат солиғини Давлат бюджетига қайтариш бўйича ҳисбот олинди.

4. Давлат бюджетининг даромадлари ижросини таъминлашда 70 фоизга яқин тушумлар солиқ органлари томонидан, 15 фоиз тушумлар божхона органлари томонидан ундирилсада, Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисбот Молия вазирлиги томонидан тузилиб, Вазирлар Маҳкамасига тақдим этилади.

Давлат бюджети даромадлари ижроси тўғрисидаги ҳисботни бирламчи маълумотлари, асосан Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат божхона қўмитасида шаклланган бўлиб, бугунги кунда тақдим этилаётган ҳисбот шаклларида ушбу қўмиталар томонидан ҳисби юритилаётган давлат бюджетининг ижроси билан боғлиқ **асосий қўрсақичлар акс эттирилмасдан қолмоқда**.

**Жумладан, солиқ ва божхона тўловлари бўйича ҳисобланган даромадлар, қўлланилган имтиёз ва преференциялар, солиқ қарздорлиги ва уларни ўзгариши, ортиқча тўловлар, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ундирувчанлик даражаси, давлат активларининг ўзгариши каби маълумотлар** Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисботда мавжуд эмас.

Юқоридагиларни инобатга олиб, Давлат бюджети даромадлари ижроси тўғрисидаги ҳисботларда маълумотлар тўлиқлигини таъминлаш, ҳисботларни халқаро стандартларга мувофиқ шаклларда тузиш мақсадида:

1. Давлат бюджети даромадлар ижроси тўғрисидаги ҳисобот шаклини қайта кўриб чикиш ва ҳукумат қарори билан тасдиқлаш;

2. Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни тузиш ва Вазирлар Маҳкамасига тақдим этишда Молия вазирлиги, Давлат солик қўмитаси ва Давлат божхона қўмитасининг биргаликда иштирокини таъминлаш;

3. Ҳисоб палатаси томонидан Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни ташқи аудитдан ўтказиш ва баҳолаш жараёнида ҳисоботдаги кўрсаткичларни бирламчи маълумотлар билан тўлақонли таҳлил қилишда Молия вазирлиги, Давлат солик қўмитаси ва Давлат божхона қўмиталари ўрганишлар олиб бориладиган обьектлар сифатида белгилаш бўйича қонунчиликка тегишли ўзгартиришлар киритиш мақсадга мувофиқ.

**Вазирлик идоралар томонидан ундириладиган Давлат божлари,  
йигимлар ва бошқа тўловларни Давлат бюджети ҳамда ваколатли  
органларнинг маҳсус ҳисоб рақамлари ўртасида тўғри  
тақсимланганлиги**

1. Соликлар, давлат божлари, йигимлар ва бошқа тўловлардан шаклланадиган Давлат бюджети даромадлари ҳисобидан 2018 йилда вазирлик ва идораларнинг банк ҳисоб рақамлари ёки Ғазначилиқда очилган бюджетдан ташқари маҳсус ҳисобрақамларга 3 113,4 млрд.сўм даромадлар ўтказиб берилган.

Жумладан, давлат божлари, йигимлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича Адлия вазирлиги томонидан 2018 йилда ундирилган 849,8 млрд.сўмдан 292,1 млрд.сўми (34,3 фоизи) Адлия органларининг бюджетдан ташқари шахсий ғазна ҳисобвақларига, Прокуратура органлари томонидан ундирилган 340,3 млрд.сўмдан 169,3 млрд.сўми (50 фоизи) Прокуратура органларининг бюджетдан ташқари шахсий ғазна ҳисобвақларига, Ички ишлар вазирлиги томонидан ундирилган 1 531,4 млрд.сўмдан 624,5 млрд.сўми (41 фоизи) Ички ишлар вазирлиги тизимидағи ташкилотларнинг банк ҳисоб рақамларига ўтказиб берилган.

2. Ўзбекистон Республикаси Солик кодексининг 339-моддасида консуллик йигимлари бюджети даромадига ўтказилиши назарда тутилган.

Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 19 августдаги 423-сонли қарорига мувофиқ Ташқи ишлар вазирлигининг хорижий дипломатик ваколатхоналари томонидан консуллик ҳаракатларини амалга оширганлик учун консуллик йигимларининг **92 фоизи** Давлат бюджетига, 8 фоизи Ташқи ишлар вазирлигига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 апрелдаги ПҚ-3654-сонли “Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ ушбу маблағлар тақсимланиш нисбатлари ўзгартирилиб, 2018 йил 1 майдан консуллик йигимларининг **70 фоизи** Давлат бюджетига, 30 фоизи Ўзбекистон Республикасининг дипломатик хизмат органларини ривожлантириш жамғармасига тақсимланиши белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг чет элдаги дипломатик ваколатхоналари томонидан консуллик ҳаракатларини амалга оширганлик учун 2018 йилда 25,2 млн. АҚШ доллари миқдорида консуллик йифимлари ундирилган бўлиб, шундан 19,3 млн. АҚШ доллари (**миллий валютадаги эквивалентда 155,2 млрд.сўм)** **Давлат бюджети даромадларида акс эттирилиши лозим.**

3. Адлия вазирлигининг 2016 йил 30 мартағи 2771-сон билан рўйхатдан ўтган Йўриқномага мувофиқ бюджет тизими бюджетларига тўловлар тўловчилар томонидан ҳар бир тўлов тури бўйича алоҳида тўлов хужжатлари билан тўланади ва тегишли даромадлар турлари бўйича шахсий ғазна ҳисобварақларида акс эттирилган ҳолда тўлиқ ягона ғазна ҳисобварағига ўтказилади.

Тўловлардан Ўзбекистон Республикаси республика бюджети ва Давлат мақсадли жамғармалар бюджетларига ажратмалар меъёрлари Молия вазирлиги ахборот тизимиға Молия вазирлиги Фазначилигининг ваколатли ходимлари томонидан киритилади.

Молия йили мобайнида ўрнатилган меъёрлар ўзгарса ёки янгидан киритилган бошқа тўловлар бўйича ажратмалар меъёри ўрнатилса, янгидан ўрнатилган ажратмалар меъёрлари миқдорлари улар ўрнатилганидан сўнг 3 иш куни мобайнида ўрнатилган тартибда тегишли Фазначилик органларига етказилади. Бунда янгидан ўрнатилган ажратмалар меъёрларининг амал қилиш санасининг бошланиши мажбурий тартибда кўрсатилади.

Аудит жараёнида, вазирлик ва идоралар томонидан ундириладиган давлат божлари, йифимлар ва бошқа мажбурий тўловларни ажратма қилиниши Фазначилик ижроси билан тўлиқ қамраб олинмаганлиги натижасида, 2018 йилда **Давлат бюджетига даромадлар тўлиқ кирим қилинмай колганлиги аниқланди.**

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 30 июндаги 493-сонли қарорининг 87-бандига мувофиқ “E-IJRO AUKSION” ягона электрон савдо майдончасида ер участкаларини реализация қилишдан тушган маблағлар ҳудудий ҳокимликларнинг маҳсус ҳисоб-рақами орқали бир иш куни мобайнида маҳаллий бюджетларнинг ғазначилик ҳисобварақларида ўтказилиши белгиланган.

2018 йил давомида ҳудудий ҳокимликларнинг ҳисоб рақамларига ер участкаларини реализация қилишдан тушган тушумлар ҳисобидан Давлат бюджетига ўтказилиши лозим бўлган 11 324,7 млн.сўмлик даромадлардан **4 005,8 млн.сўми** маҳаллий бюджетларга ўтказиб берилмаган.

Шунингдек, Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси томонидан ундириладиган йифимлар даромадлар бўйича шахсий ғазна ҳисобварақларга йўналтирилмасдан инспекциянинг бюджетдан ташқари маҳсус ҳисоб рақамига ўтказиб, тушумларни ўз вақтида тақсимланмаслиги ва ўрнатилган тақсимот меъёрлари бузилиши натижасида Давлат бюджетига **1 740,0 млн.сўм** маблағ ўтказиб берилмаган.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Йўл ҳаракати хавфсизлиги Бош бошқармаси (ИИВ ЙҲҲББ) томонидан тақдим этилган ундирилган йифимлар ва давлат божлари тўғрисидаги маълумотлар Молия вазирлиги Газначилиги маълумотлари билан солиштирилганда қуидагилар аниқланди.

ИИВ ЙҲҲББ томонидан тақдим этилган маълумотларда 2018 йилда автотранспорт воситаларини техник кўриқдан ўтказганлик, давлат рақам белгисини рўйхатдан ўтказганлик, автотранспорт воситаларини давлат рўйхатидан ўтказганлик ҳамда транзит давлат рақами белгиларини берганлик учун жами 273,9 млрд.сўм миқдоридаги тўловлар ундирилганлиги қайд этилган.

Газначилик бўлинмалари томонидан ИИВ ЙҲҲББнинг ҳудудий бошқармалари билан бюджетга ундирилган тушумлар доимий равища таҳлил қилиб борилмаган (солиштириш далолатномалар ғазначлик маълумотлари асосида икки томонлама тасдиқлаб борилган).

Молия вазирлиги Газначилигидаги ягона ғазна ҳисобварагига тушган тушумлар ўрганилганда, автотранспорт воситаларини қайта рўйхатдан ўтказганлик учун 42,0 млрд.сўм, ИИВ ЙҲҲББ ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан ундирилган йифимлар 221,5 млрд.сўмни ташкил этиб, Давлат бюджетига ўтказилиш лозим бўлган **9,5 млрд.сўм** даромадлар кирим қилинмаганлиги аниқланди.

**Вазирлик ва идораларнинг бюджетдан ташқари маҳсус ҳисоб варақларида маблағларни шаклланиши таҳлил қилинганда айrim **вазирлик ва идораларда бевосита уларнинг иштирокисиз ундириладиган** Давлат бюджети даромадларининг бир қисми уларнинг бюджетдан ташқари маҳсус ҳисобварақларига йўналтириб келинмоқда.**

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармасига абонент рақамидан фойдаланганлик учун тўловнинг 70 фоизи миқдорида (*2018 йилда 799,8 млрд.сўм*);

Молия вазирлигининг бюджетдан ташқари маҳсус шахсий ғазна ҳисобварагига божхона йифимлари ва тўловлари шаклидаги тушумларнинг 5 фоизи, Ягона ғазна ҳисоб рақамидаги бўш пул маблағларини тижорат банклари депозитларига жойлаштиришдан олинган фоиз даромадларининг 20 фоизи, аукционларда автомобил учун харидоргир ҳарф ва рақамлар комбинациясига эга давлат рақами белгилари учун оширилган тўловлардан тушган бюджет даромадларининг 3,8 фоизи ўтказиб келинмоқда (*2018 йилда 25,7 млрд.сўм*).

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2018 йил 8 майдаги 95 ва 2018-36-сонли “Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳузуридаги жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш жамғармасига йифимларни ҳисоблаб

чиқиши ва тўлаш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги Кўшма қарорига (Адлия вазирилигидан 2018 йил 31 майда 3017-сон билан рўйхатдан ўтказилган) асосан Жамғарма даромадлари пиво, ароқ ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилар томонидан тўланадиган тўловлар ҳисобига шаклланмоқда (*1 дал сотилган пиво ҳажмидан 2 000 сўм, 1 дал сотилган ароқ ҳажмидан 5 000 сўм, 1 минг дона сотилган сигарет 1 000 сўм. 2018 йилда жами 62,0 млрд.сўм*).

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 10 июлдаги 478-сонли “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги қишлоқ хўжалиги йўналишидаги олий таълим муассасаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарорига асосан Жамғарма даромадлари *аукцион савдоларида фуқароларга ер участкаларига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиши ҳуқуқини сотишдан тушиадиган турушумнинг 10 фоизи миқдорида шаклланмоқда.* (2018 йилда 0,9 млрд.сўм).

Давлат бюджети даромадлари ҳисобидан бюджет ташкилотларни бюджетдан ташқари ҳисобварақларига ажратма қилинаётган маблағлар ҳажми 2018 йилда 3 трлн.сўмдан ошганлиги, маблағларнинг асосий қисми (2,5 трлн.сўм) 6 та вазирлик идораларга (Адлия вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Бош прокуратура) тегишли бўлиб, қолган вазирлик идораларда бюджетдан ташқари манбалари чекланган.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 22 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Ягона ғазна ҳисобварағидаги маблағларини бошқаришни тартибга солиш тўғрисида”ги 383-сонли қарори билан Молия вазирлиги Ягона ғазна ҳисобварағидаги вақтинча бўш маблағларни депозитларга жойлаштириш тартиби тўғрисида Низом тасдиқланган.

Ушуб Низомнинг 8-бандига асосан давлат мақсадли жамғармалари ва бюджетдан ташқари бошқа жамғармалар, шунингдек, бюджет ташкилотлари вақтинча бўш маблағларни тижорат банклари депозитларига ўzlари мустақил ёки ўз хошишлари билан Ғазначилик бўлинмаларига буюртманомалар тақдим этиш йўли билан жойлаштиришлари мумкин.

2017-2018 йилларда ва 2019 йилнинг 1-чораги давомида тижорат банклари депозитларига маблағларни жойлаштирилиши таҳлил қилинганда қуидагилар маълум бўлди.

2018 йилда республикадаги 337 та бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан жами 997,8 млрд.сўмлик маблағлар йиллик 7 фоиздан 16 фоизгacha бўлган ставкаларда (ўртача 12 фоизда) тижорат банкларининг депозитларига жойлаштирган.

Жумладан, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тизимидағи бюджет ташкилотлари томонидан 255,5 млрд.сўм маблағлар йиллик 7 - 12 фоизли ставкада, Адлия вазирлиги ва унинг тизимдаги ташкилотлар томонидан 35,5 млрд.сўм маблағлар йиллик 8 - 12 фоизли ставкаларда маблағлар тижорат банклар депозитларига жойлаштирилган.

Ушбу даврларда Молия вазирлиги Ғазначилиги томонидан Ягона ғазна ҳисобварағидаги вақтинча бўш маблағларни электрон аукцион портал орқали тижорат банкларининг депозитларига Марказий банк томонидан белгиланган қайта молиялаш ставкасидан паст бўлмаган энг мақбул фоиз ставкаларида (16-17 фоиз) жойлаштирилган.

Бюджет ташкилотлари вақтинча бўш маблағларни тижорат банклари депозитларига ўзлари мустақил равишда қайта молиялаш ставкасидан паст миқдорларда депозитга жойлаштириши ҳисобига бюджет ташкилотларни бюджетдан ташқари ҳисобварақларига 2018 йилда 15,0 млрд.сўм фоиз даромадлари йўқотилган.

Маблағларни тижорат банклари депозитларига жойлаштиришда шаффофликни таъминлаш, бюджет ташкилотларни бюджетдан ташқари қўшимча манбаларини янада ошириш мақсадида, бюджет ташкилотларининг вақтинча бўш маблағларини Молия вазирлиги Ғазначилиги томонидан ташкил этиладиган электрон аукцион портал орқали тижорат банкларининг депозитларига жойлаштириш мақсадга мувофиқ.

### **Бюджет даромадлари базасини кенгайтириш захираларини аниқлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 29 октябрдаги “Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ти ПФ-3932-сонли Фармонининг 7-бандида, 2008 - 2022 -йиллар мобайнида жамғарма маблағлари ҳисобидан суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича пудрат ва бошқа хизмат кўрсатиш ташкилотлари томонидан амалга ошириладиган ишлар ва хизматлар - кўшилган қиймат солиғи тўлашдан озод этилиши белгиланган.

Жамғарма маблағлари ҳисобидан ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича 2018 йил давомида жами 222,6 млрд.сўм ажратилиб, ҳақиқатда 225,8 млрд.сўмлик иш ва хизматлар бажарилган.

Ажратилган маблағлар ҳисобидан қўшилган қиймат солиғи бўйича имтиёзларнинг тўғри қўлланилиши давлат солиқ хизмати органлари маълумотлар базаси асосида ўрганилганда, 25 та хўжалик юритувчи субъектларга жамғарма маблағларидан 52,9 млрд.сўм ажратилган бўлсада, солиқ ҳисботларида 123,8 млрд.сўм ёки 70,9 млрд.сўм имтиёз манбалари ортиқча қўлланилганлиги, натижасида **14,2 млрд.сўм** қўшилган қиймат солиғи бюджетга ҳисобланмасдан қолган.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 349-моддасида ўзига нисбатан солиқ солишининг соддалаштирилган тартиби назарда тутилган солиқ тўловчилар марказлаштирилган манбалар ҳисобидан қурилиш ишларини амалга оширса қўшилган қиймат солиғини тўлаш мажбурияти сақланиб қолиши белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 12 сентябрдаги “Капитал қурилишда хўжалик муносабатлари механизмини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 395-сонли қарори билан тасдиқланган “Марказлаштирилган манбалар ҳисобига қурилишни ташкил этиш, молиялаштириш ва кредитлаш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 2-бандида марказлаштирилган манбалар этиб қуйидагилар белгиланган:

бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ва бюджетдан ажратмалар;

Давлат бюджети таркибида жамланадиган давлат мақсадли жамғармалари маблағлари (бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасидан ташқари);

Ҳукумат қарорларида белгиланган бошқа манбалар.

2018 йилда марказлашган манбалар ҳисобидан жами 7 295 та 3 351,6 млрд.сўмлик шартномалар тузилган бўлиб, шундан 2 329 та шартномада (1 891,2 млрд.сўмлик) 338,3 млрд.сўм қўшилган қиймат солиғи кўрсатилган.

Марказлашган манбалар ҳисобидан 2018 йилда 1 922 та шартномалар бўйича 417,7 млрд.сўмлик ишлар қўшилган қиймат солиғини ҳисобга олмаган ҳолда бажарилган ва Давлат бюджетига 83,5 млрд.сўм қўшилган қиймат солиғи ҳисобланмаган.

Бунда, Молия вазирлиги ва Ғазначилик томонидан Давлат бюджети, давлат мақсадли жамғарамалари, бошқа бюджетдан ташқари жамғармалар ва бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан бажариладиган қурилиш-монтаж ишларига маблағларни харажатлар сметасида режалаштириш ва шартномаларни рўйхатдан ўтказишда солиқ қонунчилигида назарда тутилган талабларни инобатга олмаганлиги сабаб бўлган.

Шунингдек, Давлат солиқ органлари билан бюджетга қўшимча манбаларни жалб қилишда доимий ҳамкорлик жорий қилинмаган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 7 февралда “2018 йил учун давлат статистика дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги 81 -сонли қарорида Давлат статистика қўмитаси томонидан давлат статистика дастурларида белгиланган вазифалар бўйича тақдим этиладиган бажарилган ишлар далолатномасига асосан Молия вазирлиги бюджет маблағлари ҳисобидан тўловларни амалга ошириши қайд этилган.

Давлат дастури доирасида 2018 йилда жами 66,6 млрд.сўмлик ишлар бажарилиб, ушбу бажарилган ишлардан солиқ кодексининг 204-моддасига асосан 20 фоизлик ставкада **13,3 млрд.сўм** қўшилган қиймат солиғи ҳисобланмаган.

#### 4. Давлат бюджети харажат қисмининг ижроси

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2018 йилги асосий мақроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги ПҚ-3454-сонли қарорига мувофиқ Давлат бюджети харажатларининг 2018 йил учун тасдиқланган режаси (давлат мақсадли жамғармаларисиз) 62 170 002,4 млн.сўмни ва аниқланган режаси 74 000 000,0 млн.сўмни ташкил этган.

Кўрсаткичлар	Тасдиқланган режа	Аниқланган режа	млн.сўм
<b>Харажатлар, давлат мақсадли жамғармаларисиз – жами</b>	<b>62 170 002,4</b>	<b>74 000 000,0</b>	<b>119,0</b>
<b>Ижтимоий харажатлар</b>	<b>35 033 996,8</b>	<b>40 996 521,9</b>	<b>117,0</b>
<b>Ижтимоий соҳа ва ахолини ижтимоий қўллаб-куватлаш харажатлари – жами</b>	<b>34 663 996,8</b>	<b>37 364 521,9</b>	<b>107,8</b>
<i>шундан:</i>			
Таълим	19 504 292,4	20 637 873,4	105,8
<i>шундан, Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Таълим ва тиббиёт муассасаларини моддий-техника базасини ривожлантириши жамғармасига ажратиладиган маблағлар</i>	<i>1 077 230,7</i>	<i>1 222 107,2</i>	<i>113,4</i>
Соғлиқни сақлаш	9 561 955,9	9 352 739,4	97,8
<i>шундан, Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Таълим ва тиббиёт муассасаларини моддий-техника базасини ривожлантириши жамғармасига ажратиладиган маблағлар</i>	<i>803 580,0</i>	<i>803 580,0</i>	<i>100,0</i>
Маданият ва спорт	1 165 411,2	1 272 069,4	109,2
Фан	389 255,5	399 869,8	102,7
Нафақалар, моддий ёрдам ва компенсация тўловлари	3 150 838,5	3 183 752,8	101,0
<b>Ўй-жойларни қуриш Дастурини биргаликда молиялаштириш учун кредит линияси</b>	<b>370 000,0</b>	<b>3 632 000,0</b>	<b>981,6</b>
<b>ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини давлат томонидан қўллаб-куватлаш харажатлари</b>	<b>15 000,0</b>	<b>17 750,0</b>	<b>118,3</b>
<b>Иқтисодиёт харажатлари</b>	<b>6 957 814,5</b>	<b>7 416 416,3</b>	<b>106,6</b>
<i>шундан:</i>			
Сув хўжалиги корхоналарининг эксплуатация харажатлари	2 741 786,8	2 824 416,5	103,0
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармасига йўналтириледиган маблағлар	528 300,0	528 300,0	100,0
хосилдорлиги паст ерларда давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи фермер хўжаликларини молиявий қўллаб-куватлаш учун мақсадли маблағлар	330 000,0	100 226,4	30,4

Кўрсаткичлар	Тасдиқланган режа	Аниқланган режа	%
аҳоли пунктларида амалга оширилган ободонлаштириш ишлари	1 116 352,9	1 240 783,1	111,1
сув таъминоти тизимини ривожлантириш харажатлари	584 724,5	567 589,6	97,1
<b>Марказлаштирилган инвестицияларни молиялаштириш харажатлари</b>	<b>3 047 600,0</b>	<b>4 404 858,6</b>	<b>144,5</b>
Давлат ҳокимияти, бошқарув органлари, адлия, суд ва прокуратура органларини сақлаш харажатлари	2 409 432,2	2 755 025,5	114,3
Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини сақлаш	640 506,4	611 457,0	95,5
Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармаси, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳамда туман ва шаҳарлар маҳаллий бюджетларининг захира жамғармалари	520 208,0	733 394,5	141,0
<b>Бошқа харажатлар</b>	<b>13 545 444,5</b>	<b>17 064 576,2</b>	<b>126,0</b>

Ўзбекистон Республикаси Бюджет Кодексининг 144-моддасида давлат бюджети харажатларига унинг ижроси жараёнида Давлат бюджетининг тасдиқланган параметрларига нисбатан Давлат бюджети харажатларини 10 ва ундан ортиқ фоизга кўпайтиришни ёки камайтиришни назарда тутадиган ўзгартиришлар киритиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тақдимномасига кўра Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари томонидан амалга оширилиши белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети харажатлари параметрларига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Конунчилик палатасининг (қуий палата) қуийдаги қарорларига биноан ўзгартиришлар киритилган:

1) 2018 йил 7 августдаги 1889-III-сонли қарорига асосан уй-жойлар қуриш дастурини биргалиқда молиялаштиришда иштирок этаётган банкларга кредит линиялари маблағлари миқдори 370,0 млрд.сўмдан 3 632,0 млрд.сўмга оширилган.

2) 2018 йил 30 августдаги 1955-III-сонли қарорига асосан Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармаси маблағлари ҳажми 200,0 млрд.сўмга оширилган.

3) 2018 йил 30 ноябрдаги 2183-III-сонли қарорига асосан давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларини, адлия ва прокуратура органларини сақлаш харажатлари режаси 14,3 фоизга, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятларининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш бўйича харажатлар режаси – 18,3 фоизга, бошқа харажатлар (маҳсус органлар) бўйича тасдиқланган бюджет параметрлари – 26,0 фоизга ҳамда марказий инвестицияларни молиялаштириш харажатлари режаси – 44,5 фоизга оширилган.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг касса харажатлари 2018 йилда 79 736 123,5 млн.сўмни ёки аниқлаштирилган режа кўрсаткичларига нисбатан 107,8 фоизни ташкил этгани қайд этилган.

Кўрсаткичлар	Аниқланган режа	Касса ижроси	млн.сўм %
<b>Харажатлар, давлат мақсадли жамғармаларсиз – жами</b>	<b>74 000 000,0</b>	<b>79 736 123,5</b>	<b>107,8</b>
<b>Ижтимоий харажатлар</b>	<b>40 996 521,9</b>	<b>42 883 331,6</b>	<b>104,6</b>
<b>Ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-куватлаш харажатлари – жами</b>	<b>37 364 521,9</b>	<b>39 251 331,6</b>	<b>105,0</b>
<i>шундан:</i>			
Таълим	20 637 873,4	20 721 123,6	100,4
<i>шундан, Молия вазирлиги хузуридаги бюджетдан ташқари Таълим ва тиббиёт муассасаларини моддий-техника базасини ривожлантириши жамғармасига ажратиладиган маблағлар</i>	<i>1 222 107,2</i>	<i>1 072 930,6</i>	<i>87,8</i>
Соғлиқни сақлаш	9 352 739,4	9 408 385,5	100,6
<i>шундан, Молия вазирлиги хузуридаги бюджетдан ташқари Таълим ва тиббиёт муассасаларини моддий-техника базасини ривожлантириши жамғармасига ажратиладиган маблағлар</i>	<i>803 580,0</i>	<i>803 580,0</i>	<i>100,0</i>
Маданият ва спорт	1 272 069,4	1 345 476,4	105,8
Фан	399 869,8	434 446,6	108,6
Нафақалар, моддий ёрдам ва компенсация тўловлари	3 183 752,8	3 242 114,5	101,8
<b>Ўй-жойларни қуриш Дастурини биргаликда молиялаштириш учун кредит линияси</b>	<b>3 632 000,0</b>	<b>3 632 000,0</b>	<b>100,0</b>
<b>ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини давлат томонидан қўллаб-куватлаш харажатлари</b>	<b>17 750,0</b>	<b>17 750,0</b>	<b>100,0</b>
<b>Иқтисодиёт харажатлари</b>	<b>7 416 416,3</b>	<b>8 461 799,4</b>	<b>114,1</b>
<i>шундан:</i>			
Сув хўжалиги корхоналарининг эксплуатация харажатлари	2 824 416,5	2 834 383,2	100,4
Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармасига йўналтириладиган маблағлар	528 300,0	517 809,6	98,0
ҳосилдорлиги паст ерларда давлат эҳтиёjlари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи фермер хўжаликларини молиявий қўллаб-куватлаш учун мақсадли маблағлар	100 226,4	100 016,0	99,8
аҳоли пунктларида амалга оширилган ободонлаштириш ишлари	1 240 783,1	1 550 618,1	125,0
сув таъминоти тизимини ривожлантириш харажатлари	567 589,6	704 708,0	124,2
<b>Марказлаштирилган инвестицияларни молиялаштириш харажатлари</b>	<b>4 404 858,6</b>	<b>5 396 361,1</b>	<b>122,5</b>
<b>Давлат ҳокимияти, бошқарув органлари, адлия, суд ва прокуратура органларини сақлаш харажатлари</b>	<b>2 755 025,5</b>	<b>3 052 761,0</b>	<b>110,8</b>
<b>Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини сақлаш</b>	<b>611 457,0</b>	<b>613 330,3</b>	<b>100,3</b>

Кўрсаткичлар	Аниқланган режа	Касса ижроси	%
<b>Вазирлар Маҳкамасининг заҳира жамғармаси, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳамда туман ва шаҳарлар маҳаллий бюджетларининг заҳира жамғармалари</b>	<b>733 394,5</b>	<b>604 140,6</b>	<b>82,4</b>
<b>Бошқа харажатлар</b>	<b>17 064 576,2</b>	<b>18 706 649,5</b>	<b>109,6</b>

Давлат бюджети таркибида аввалги йилларда бўлгани каби ижтимоий соҳа харажатлари асосий ўринни эгаллаб, 42 883 331,6 млн.сўмни ёки Давлат бюджетининг 2018 йилдаги жами харажатларининг 53,8 фоизини ташкил этди. Ижтимоий соҳа харажатлари ўтган йил кўрсаткичига (27 223 316,4 млн.сўм) нисбатан 57,5 фоизга ошган.

Жумладан, 2018 йилда Давлат бюджети ҳисобидан:

- таълим соҳасига – 20 721 123,6 млн.сўм (режага нисбатан 100,4 фоиз) ёки ўтган йил кўрсаткичига (15 979 577,0 млн.сўм) нисбатан 29,6 фоизга кўп;
- соғлиқни сақлаш харажатларига – 9 408 385,5 млн.сўм (режага нисбатан 100,6 фоиз) ёки ўтган йил кўрсаткичига (7 330 008,8 млн.сўм) нисбатан 28,4 фоизга кўп;
- маданият ва спорт соҳасига – 1 345 476,4 млн.сўм (режага нисбатан 105,8 фоиз) ёки ўтган йил кўрсаткичига (750 249,7 млн.сўм) нисбатан 79,3 фоизга кўп;
- фан соҳасини молиялаштиришга – 434 446,6 млн.сўм (режага нисбатан 108,6 фоиз) маблағ ёки ўтган йил кўрсаткичига (275 549,1 млн.сўм) нисбатан 57,7 фоизга кўп;
- нафақалар, моддий ёрдам ва компенсация тўловлари учун – 3 242 114,5 млн.сўм (режага нисбатан 101,8 фоиз) ёки ўтган йил кўрсаткичига (2 238 386,3 млн.сўм) нисбатан 44,8 фоизга кўп сарфланган.

Иқтисодиёт харажатлари ижроси 8 461 799,4 ни ташкил этган бўлиб, режага (7 416 416,3 млн.сўм) нисбатан 14,1 фоизга ҳамда ўтган йилги кўрсаткичига (5 280 740,2 млн.сўм) нисбатан 60,2 фоизга ошган.

2018 йилда Давлат бюджетидан сарфланган марказлаштирилган инвестициялар 5 396 361,1 млн.сўмни (режага нисбатан 122,5 фоиз) ташкил этган бўлиб, ўтган йилда бу мақсадларга сарфланган маблағга (3 234 719,5 млн.сўм) нисбатан 66,8 фоизга кўп харажатлар амалга оширилган.

Шу билан бирга Молия вазирлиги хузуридаги бюджетдан ташқари Таълим ва тиббиёт муассасаларини моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармасига республика бюджетидан ажратилган маблағлар ижроси 1 886 510,6 млн.сўмни ёки режага (2 052 187,2 млн.сўм) нисбатан атиги 91,9 фоизни ташкил этган.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети харажатларининг 2018 йилги ижроси 79 736 123,5 млн.сўмни ташкил қилиб, даромадларнинг ҳақиқатдаги ижросига (79 099 028,0 млн.сўм) нисбатан Давлат бюджети тақчиллиги (дефицит) 637 095,5 млн.сўмни (ЯИМГа нисбатан 0,2 фоиз) ташкил этган.

Давлат бюджети тақчиллиги юзага келишига 2018 йил давомида тасдиқланган Давлат бюджети параметрларида кўзда тутилмаган харажатларнинг амалга оширилиши сабаб бўлган. Хусусан:

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 мартдаги ПҚ-3630 ва 2018 йил 27 июндаги ПҚ-3812-сонли қарорларига асосан “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари ижросини таъминлаш учун 1 897,8 млрд.сўмлик харажатлар амалга оширилган;

- уй-жойлар қуриш дастурини биргаликда молиялаштиришда иштирок этаётган банкларга кредит линияси харажатлари учун бюджет параметрларида тасдиқланган 370,0 млрд.сўм харажатлар 3 631,6 млрд.сўмга ёки қарийб 10 баробарга кўпайган;

- марказлаштирилган инвестицияларни молиялаштириш харажатлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 августдаги 5354-ф-сонли фармойишига асосан Инвестиция дастурига қўшимча киритилаётган обьектлар учун тасдиқланган бюджет параметрларига нисбатан 735,5 млрд. сўмга кўпайган.

Юзага келган қўшимча харажатларнинг асосий қисми Республика бюджетининг қўшимча манбалари ҳисобидан молиялаштирилган бўлиб, маблағлар етмаган қисми бюджет тақчиллигини юзага келтирган.

Юзага келган Давлат бюджети тақчиллиги 2018 йил бошидаги республика бюджетининг 44 939,4 млн.сўм қолдиқ маблағлари, шунингдек 2018 йилнинг декабрида Молия вазирлиги томонидан тижорат банкларида давлат қимматли қоғозлар жойлаштириш натижасида тушган 592 156,1 млн.сўм маблағ ҳисобига қопланган.

Ўзбекистон Республикаси республика бюджети харажатларининг ижроси 43 700 372,0 млн.сўмни ёки аниқлаштирилган режа кўрсаткичининг 104,2 фоизини, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, Тошкент шаҳри ва вилоятлар маҳаллий бюджетлари 36 035 751,5 млн.сўмни ёки 112,4 фоизни ташкил этган.

Кўрсаткичлар	Аниқлаштирилган режа	Касса ижроси	млн.сўм %
<b>Харажатлар - жами шу жумладан:</b>	<b>74 000 000,0</b>	<b>79 736 123,5</b>	<b>107,8</b>
Ўзбекистон Республикаси республика бюджети	41 928 537,7	43 700 372,0	104,2
Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳри маҳаллий бюджетлари	32 071 462,3	36 035 751,5	112,4

Вазирлар Маҳкамаси томонидан ташқи аудитдан ўтказиш учун қуийдаги 5 турдаги ҳисобот шакллари Ҳисоб палатасига тақдим этилган:

1. Давлат бюджети ижросининг баланси;

2. Давлат бюджети даромадларининг ижроси тўғрисида ҳисобот;
3. Давлат бюджети харажатларининг ижроси тўғрисида ҳисобот;
4. Бюджет ташкилотларининг дебиторлик ва кредиторлик қарзлари тўғрисидаги маълумотнома;
5. Давлат бюджетидан молиялаштириладиган бюджет ташкилотлари бўйича тармоқ, штатлар ва контингентга доир режанинг бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботлар.

Ташки аудит жараёнида Давлат бюджетидан молиялаштириладиган бюджет ташкилотларининг тармоқ, штат ва контингентлари ижроси бўйича таҳлилий ҳисботи ва режанинг бажарилиши тўғрисидаги давлат бюджетининг харажатлар ижроси тўғрисидаги ҳисботига нисбатан иш ҳақи харажатларининг режа кўрсаткичлари **13 та** ҳолатда **1 086 502,4 млн.сўмга** кўп, **55 та** ҳолатда **19 894,0 млн.сўмга** кам, ҳақиқий харажатлар эса **12 та** ҳолатда **1 078 265,9 млн.сўмга** кўп, **207 та** ҳолатда **89 494,5 млн.сўмга** кам кўрсатилганлиги маълум бўлди.

Ушбу фарқ ҳисботда айрим ташкилотларнинг тармоқ, штат ва контингентлари ижроси бўйича иш ҳақи харажатлари такрор кўрсатилганлиги сабабли келиб чиқсан. Хусусан, ҳақиқий харажатлар бўйича аниқланган **1 078 265,9 млн.сўм** фарқдан **911 571,4 млн.сўми** бюджет ташкилотлари бўйича икки марта акс эттирилиши ҳисобига юзага келган.

Мазкур ҳолатни юзага келишига Давлат бюджетидан молиялаштириладиган ташкилотлар бўйича тармоқ, штатлар ва контингентга доир режанинг бажарилиши тўғрисидаги ҳисботни шакллантириш бўйича бюджет ташкилотлари томонидан молия органларига электрон шаклда ҳисбот топшириш тўлиқ йўлга қўйилмаганли ва ягона қўлланма ишлаб чиқилмаганлиги сабаб бўлмоқда.

**Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг айрим тармоқ вазирлклари кесимида харажатларининг 2018 йилги ижроси**

млн.сўм

	Тармоқ вазирлклари номи	Аниқланган режа	Ижро
1.	Мактабгача таълим вазирлиги	2 899 607,1	3 078 773,0
2.	Халқ таълими вазирлиги	12 037 703,7	12 165 822,8
3.	Олий ва ўрта-максус таълим вазирлиги	840 877,0	829 058,1
4.	Соғлиқни сақлаш вазирлиги	8 877 626,5	8 937 408,6
5.	Маданият вазирлиги	1 074 344,4	1 176 184,5
6.	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги	73 896,5	67 845,3
7.	Сув хўжалиги вазирлиги	3 477 390,7	3 511 896,0

2018 йилда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан тармоқ вазирликлариға ажратилган маблағлар ижроси қуидагича:

- Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлигининг 2018 йилги харажатлари аниқланган режаси 2 899 607,1 млн.сўмни, ҳақиқатда касса ижроси 3 078 773,0 млн.сўм ёки режага нисбатан 106,2 фоизни (179 165,9 млн.сўмга кўп) ташкил этган;

- Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2018 йилги харажатлари аниқланган режаси 12 037 703,7 млн.сўмни, ҳақиқатда касса ижроси 12 165 822,8 млн.сўмни ёки режага нисбатан 101,1 фоизни (128 119,1 млн.сўмга кўп) ташкил этган;

- Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта-махсус таълим вазирлигининг 2018 йилги харажатлари аниқланган режаси 840 877,0 млн.сўмни, ҳақиқатда касса ижроси 829 058,1 млн.сўмни ёки режага нисбатан 98,6 фоизни (11 818,9 млн.сўмга кам) ташкил этган;

- Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йилги харажатлари аниқланган режаси 8 877 626,5 млн.сўмни, ҳақиқатда касса ижроси 8 937 408,6 млн.сўмни ёки режага нисбатан 100,1 фоизни (59 782,1 млн.сўмга кўп) ташкил этган;

- Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг 2018 йилги харажатлари аниқланган режаси 1 074 344,4 млн.сўмни, ҳақиқатда касса ижроси 1 176 184,5 млн.сўмни ёки режага нисбатан 109,5 фоизни (101 840,1 млн.сўмга кўп) ташкил этган;

- Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2018 йилги харажатлари аниқланган режаси 73 896,5 млн.сўмни, ҳақиқатда касса ижроси 67 845,3 млн.сўмни, режага нисбатан 91,8 фоизни (6 051,2 млн.сўмга кам) ташкил этган;

- Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг 2018 йилги харажатлари аниқланган режаси 3 477 390,7 млн.сўмни, ҳақиқатда касса ижроси 3 511 896,0 млн.сўмни ёки режага нисбатан 100,1 фоизни (34 505,3 млн.сўмга кўп) ташкил этган.

### ***2018 йилда Давлат бюджетидан ажратилган мақсадли субсидиялар***

2018 йилда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан 545,8 млрд.сўм миқдорида субсидиялар ажратилган.

Жумладан:

- унумдорлиги паст ерларда давлат эҳтиёжи учун пахта хом ашёсини етиширган фермер хўжаликларини молиявий қўллаб қувватлаш учун 100,0 млрд.сўм;

- Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ўсимликларни ҳимоя қилиш ва агрокимё республика марказига 19,5 млрд.сўм;

- чекланган тарифлар бўйича йўловчилар ва багажни ташиш бўйича

хизматлар кўрсатилиши муносабати билан шаҳар йўловчи ташиш транспорти ташувчилари кўрадиган заарларни қоплашга 125,5 млрд.сўм;

- фуқароларнинг айрим тоифаларини транспортда бепул ва имтиёзли юриши билан боғлиқ ҳолда ташувчиларнинг олинмай қоладиган даромадларини қоплашга 7,9 млрд.сўм;

- иссиқлик манбай ва сув таъминоти корхоналарига ҚҚС бўйича салбий фарқини қоплашга 47,2 млрд.сўм миқдорида субсидиялар ажратилган.

## **5. Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари даромадлари ва харажатларининг ижроси**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 декабрдаги ПҚ-3454-сонли “Ўзбекистон Республикасининг 2018 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ти қарорида Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳри маҳаллий бюджетларининг харажатлари 25 485,5 млрд.сўмга тасдиқланган бўлиб, улар 18 329,8 млрд.сўмлик даромад ва 7 155,7 млрд.сўмлик Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан таълим ва тиббиёт муассасалари ходимларининг иш ҳақи ва ягона ижтимоий тўловларини молиялаштириш учун бериладиган мақсадли ижтимоий трансферлар ҳисобига қопланиши белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Бюджет Кодексининг 94-моддасида Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг лойиҳаларини тақчиллик билан ишлаб чиқишига йўл қўйилмасли белгиланган бўлиб, 2018 йил учун мазкур бюджет лойиҳаларида тақчиллик кўзда тутилмаган.

Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари даромад қисмининг ижроси (мақсадли ижтимоий трансферларсиз) ҳудудлар бўйича қуйидагиларни ташкил қилган:

млн.сўм

<b>Ҳудудлар</b>	<b>Аниқлаштирилган режа</b>	<b>Касса ижроси</b>	<b>Бажарилиши</b>	
			<b>қўшимча тушум</b>	<b>%</b>
<b>Даромадлар - жами</b>	<b>18 452 693,8</b>	<b>22 944 271,2</b>	<b>4 491 577,4</b>	<b>124,3</b>
Қорақалпоғистон Республикаси	1 393 950,8	2 241 143,8	847 192,9	160,8
Андижон вилояти	1 290 100,0	1 708 990,7	418 890,8	132,5
Бухоро вилояти	1 190 461,9	1 383 027,6	192 565,6	116,2
Жizzах вилояти	758 712,4	948 320,2	189 607,8	125,0
Қашқадарё вилояти	1 909 920,4	2 341 111,5	431 191,1	122,6
Навоий вилояти	859 994,2	1 217 136,4	357 142,1	141,5
Наманган вилояти	1 112 846,2	1 360 013,7	247 167,5	122,2
Самарқанд вилояти	1 637 530,7	1 970 792,4	333 261,7	120,4
Сурхондарё вилояти	1 089 264,5	1 378 330,4	289 065,9	126,5
Сирдарё вилояти	535 003,9	710 221,5	175 217,5	132,8

Худудлар	Аниқлаштирилган режа	Касса ижроси	Бажарилиши	
			кўшимча тушум	%
Тошкент вилояти	1 760 421,8	1 949 309,9	188 888,1	110,7
Фарғона вилояти	1 587 979,4	1 833 194,0	245 214,6	115,4
Хоразм вилояти	892 558,2	1 106 259,3	213 701,1	123,9
Тошкент шаҳри	2 433 949,3	2 796 419,9	362 470,6	114,9

### *Бюджетлараро муносабатлар*

Ўзбекистон Республикасининг Республика бюджетидан Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига ва вилоятларнинг маҳаллий бюджетларига таълим ва тиббиёт муассасаларининг иш ҳақи ва ягона ижтимоий тўловларини молиялаштиришга жами 7 155 717,9 млн.сўм мақсадли ижтимоий трансферлар ажратилган. Ажратилган ижтимоий трансферлар худудлар кесимида қуйидагича:

млн.сўм

Худудлар	таълим муассасаларининг иш ҳақи ва ягона ижтимоий тўловларига	тиббиёт муассасаларининг иш ҳақи ва ягона ижтимоий тўловларига	Жами
<b>Ижтимоий трансферлар жами</b>	<b>3 717 072,8</b>	<b>3 438 645,1</b>	<b>7 155 717,9</b>
Қорақалпоғистон Республикаси	88 557,3	214 515,9	303 073,2
Андижон вилояти	546 251,0	325 721,3	871 972,3
Бухоро вилояти		232 326,4	232 326,4
Жиззах вилояти	269 327,4	142 761,1	412 088,5
Қашқадарё вилояти		313 584,5	313 584,5
Навоий вилояти		139 162,0	139 162,0
Наманган вилояти	574 531,2	290 785,3	865 316,5
Самарқанд вилояти	635 814,8	356 521,4	992 336,2
Сирдарё вилояти	155 358,0	115 968,4	271 326,4
Сурхондарё вилояти	554 011,3	273 754,7	827 766,0
Тошкент вилояти		374 343,3	374 343,3
Фарғона вилояти	588 052,0	445 235,1	1 033 287,1
Хоразм вилояти	305 169,8	213 965,8	519 135,6
Тошкент шаҳри			

Бундан ташқари, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларига 2018 йил мобайнида 790 000,0 млн.сўмлик бюджет ссудалари ажратилиб, йил давомида шундан 240 828,0 млн.сўми пул қўринишида ҳамда 549 172,0 млн.сўми ўзаро ҳисобкитоблар орқали қайтарилган.

Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети харажатларининг аниқлаштирилган режаси 6 586 008,7 млн.сўмга оширилиб, дастлабки режадаги 25 485 453,6 млн.сўмдан 32 071 462,3 млн.сўмгача оширилган.

Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг касса харажатлари қўйидагиларни ташкил қилган:

Худудлар	Аниқлашти- рилган режа	Касса ижроси	млн.сўм	
			миқдори	%
<b>Харажатлар - жами</b>	<b>32 071 462,3</b>	<b>36 035 751,5</b>	<b>3 964 289,2</b>	<b>112,4</b>
Қорақалпоғистон Республикаси	2 172 559,4	2 681 604,2	509 044,8	123,4
Андижон вилояти	2 660 772,0	2 925 059,9	264 287,9	109,9
Бухоро вилояти	1 920 554,0	2 186 634,3	266 080,3	113,9
Жиззах вилояти	1 586 273,2	1 849 258,4	262 985,1	116,6
Қашқадарё вилояти	2 734 292,6	2 994 858,3	260 565,6	109,5
Навоий вилояти	1 267 396,6	1 571 353,3	303 956,8	124,0
Наманган вилояти	2 420 416,3	2 602 011,2	181 594,9	107,5
Самарқанд вилояти	3 279 155,6	3 500 235,6	221 080,0	106,7
Сирдарё вилояти	1 088 504,0	1 184 635,3	96 131,3	108,8
Сурхондарё вилояти	2 330 232,2	2 590 651,6	260 419,4	111,2
Тошкент вилояти	2 720 494,0	3 023 201,8	302 707,8	111,1
Фарғона вилояти	3 133 603,4	3 319 982,5	186 379,1	105,9
Хоразм вилояти	1 718 645,9	1 835 838,2	117 192,3	106,8
Тошкент шаҳри	3 038 563,0	3 770 427,0	731 864,0	124,1

Бюджет кодексининг 3-моддасига асосан айланма касса маблағлари молия йилида Ўзбекистон Республикаси республика бюджетининг, Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетининг, вилоятлар вилоят бюджетларининг ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджетининг, туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг шахсий ғазна ҳисобваракларида турган бюджет маблағларининг йўл қўйиладиган энг кам миқдори эканлиги белгиланган.

Ушбу кодексининг 99-моддасига асосан маҳаллий ҳокимиятлар навбатдаги молия йили учун Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари таркибига кирадиган туманлар ва шаҳарлар бюджетлари айланма касса маблағларининг йўл қўйиладиган энг кам миқдорларини тасдиқлаш бўйича қарорлар қабул қиласди.

2018 йилги маҳаллий бюджет параметрлари тўғрисидаги маҳаллий ҳокимият қарорлари билан тасдиқланган айланма касса маблағларининг энг кам миқдорларига нисбатан ҳақиқатда 2018 йилнинг I чорагида 12 та маҳаллий худуд (туман, шаҳар) бўйича 11 202,9 млн.сўмга, II чорагида 47 та худуд бўйича 20 102,7 млн.сўмга, III чорагида 34 та худуд бўйича 21 085,0 млн.сўмга, **жами 52 390,6 млн.сўмга** кам миқдорда айланма касса маблағлари сақланган.

Натижада тегишли бюджетларда режалаштирилган иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларнинг ўз вақтида молиялаштирилишини кечикирилишга олиб келиши мумкин бўлган ҳолатлар яратилган.

Мисол учун, Қашқадарё вилояти Косон тумани бўйича айланма касса маблағларининг энг кам миқдори Қашқадарё вилояти ҳокимининг 2018 йил 9 январдаги “Қашқадарё вилоятининг 2018 йилги асосий мақроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва маҳаллий бюджет параметрлари тўғрисида”ги қарорида 1 932,1 млн.сўм миқдорида белгиланган бўлсада, айланма касса маблағлари I чорак якуни бўйича ҳакикатда 539,8 млн.сўмни ташкил этган ёки 1 392,2 млн.сўмга кам сақланган, II ва III чорак якуни бўйича ушбу ҳолатлар қайтарилиб, тасдиқланган миқдордан мос равища 1 470,7 млн.сўм ва 1 687,5 млн.сўмга кам маблағлар сақланган.

Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 120-моддасига асосан бюджет тизими бюджетларининг харажатлари даромадларнинг тушиши ҳисобга олинган ҳолда амалга оширилиши белгиланган.

Ташки аудит давомида 2018 йилда даромадлар режасининг ошириб бажарилган қисмининг ишлатилиши ҳудудлар кесимида ўрганилганда 2018 йил давомида даромадлар режасининг ошириб бажарилиши натижасида шаклланган маблағларга нисбатан жами **9 та ҳолатда 620,3 млн.сўмлик** ортиқча харажатлар амалга оширилганлиги маълум бўлди.

Хусусан, Жizzах вилояти Мирзачўл тумани бўйича I-III чораклар бўйича шаклланган қўшимча даромадлар (юқори бюджетдан берилган маблағ билан бирга) 3 703,5 млн.сўмни ташкил этсада, ҳақиқатда ушбу манбалар ҳисобидан 3 757,9 млн.сўмлик (54,4 млн.сўм ортиқча) харажатлар амалга оширилган.

Ушбу ҳолатлар амалдаги бюджет қонунчилигига белгиланган меъёрий-хукуқий ҳужжатларга амал қиласлик ҳисобланиб, Давлат бюджетининг 2018 йилги ҳисботини ўзгартиришга сабаб бўлмайди.

## **6. Давлат бюджетининг дебиторлик ва кредиторлик қарзлари**

Тақдим этилган ҳисботга кўра 2019 йил 1 январь ҳолатига жами дебитор қарздорлик 5 991 980,4 млн. сўмни ташкил этиб, шундан, бюджет маблағлари ҳисобидан 4 356 574,3 млн. сўм, бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан 1 635 406,1 млн. сўм. 2018 йил 1 январь ҳолатидаги ҳисботларга кўра жами дебитор қарздорлик 2 254 548,4 млн.сўмни ташкил этган бўлиб, шундан, бюджет маблағлари ҳисобидан 1 355 038,2 млн.сўм, бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан 899 510,1 млн.сўм.

2019 йил 1 январь ҳолатига мавжуд дебитор қарздорликлар 2018 йил 1 январь ҳолатидаги дебитор қарздорликларга нисбати қуйидаги жадвалда акс этирилган.

млн. сўм

<b>Харажатлар таркиби</b>	<b>Жами</b>	<b>шундан</b>	
		<b>бюджет маблағлари бўйича</b>	<b>бюджетдан ташқари маблағлар бўйича</b>
<b>2018 йил 1 январь ҳолатига</b>			
<b>Дебиторлик қарзи – жами</b>	<b>2 254 548,4</b>	<b>1 355 038,2</b>	<b>899 510,1</b>
Иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар	5 243,9	4 786,0	457,9
Иш ҳақидан ажратмалар	1 311,5	1 068,5	242,9
Капитал қўйилмалар	259 138,6	176 626,0	82 512, 6
Бошқа харажатлар	1 441 594,3	1 171 907,3	269 687,1
Гурухларга киритилгандан ташқари	547 260,1	650,4	546 609,6
<b>2019 йил 1 январь ҳолатига</b>			
<b>Дебиторлик қарзи – жами</b>	<b>5 991 980,4</b>	<b>4 356 574,3</b>	<b>1 635 406,1</b>
Иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар	1 290,5	1 012,1	278,4
Иш ҳақидан ажратмалар	713,5	427,7	285,8
Капитал қўйилмалар	671 494,0	549 816,5	121 677,5
Бошқа харажатлар	4 425 140,7	3 804 778,5	620 362,2
Гурухларга киритилгандан ташқари	893 341,7	539,5	892 802,2
<b>Ўсиши/камайиши (фоизда)</b>			
<b>Дебиторлик қарзи – жами</b>	<b>266%</b>	<b>322%</b>	<b>182%</b>
Иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар	25%	21%	61%
Иш ҳақидан ажратмалар	54%	40%	118%
Капитал қўйилмалар	259%	311%	147%
Бошқа харажатлар	307%	325%	230%
Гурухларга киритилгандан ташқари	163%	83%	163%

Жадвалда келтирилган кўрсаткичларнинг ўзгариши таҳлил қилинганда, жами 5 991 980,4 млн.сўм дебитор қарздорлик ўтган йилги дебитор қарздорликга нисбатан 2,6 баробарга ошган.

Гурухлар кесимида дебитор қарздорликларни кўриб чиқадиган бўлсак, капитал қўйилмалар бўйича 415 941,0 млн. сўмни, бошқа харажатлар бўйича 4 425 140,7 млн.сўмни, гурухларга киритилгандан ташқари харажатлар 893 341,7 млн.сўмни ташкил этиб, капитал қўйилмалар бўйича 2,6 баробарга, бошқа харажатлар бўйича 3,1 баробарга ва гурухларга киритилгандан ташқари харажатлар бўйича 1,6 баробарга дебитор қарздорликлар ошган.

Иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар бўйича дебитор қарздорликлар 2018 йил 1 январь ҳолатидаги дебитор қарздорликга нисбатан 4 баробарга камайганлигини, иш ҳақидан ажратмалар бўйича дебитор қарздорликлар ҳам 2 баробарга камайган.

Бундан ташқари 2019 йил 1 январь ҳолатига иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар ҳисобидан мавжуд бўлган 1290,5 млн.сум дебитор қарздорлик келиб чиқсан бўлиб, бунинг сабаблари таҳлил қилинганда жами республика бюджетидан маблағ билан таъминланадиган бюджет ташкилотларининг ҳисботларидан шаклланган.

Ушбу дебитор қарздорликлар келиб чиқиш сабаблари ўрганиб чиқилгандага 137 та бюджет ташкилотининг молиявий ҳисботидан шаклланганлиги маълум бўлди, жумладан:

- Ўзгидрометрология маркази томонидан тақдим этилган ҳисботига қараганда, 399,2 млн.сўмлик дебитор қарздорлик келиб чиқсан, Ўзгидрометрология маркази ҳудудий бўлинмалари ва бошқа субъектлари юридик мақомга эга эмаслиги сабабли иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар марказлаштирилган тартибда молиялаштирилади.

Шундан, иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларнинг нақд пул қисми ҳар бир ишчи ҳодим томонидан шахсан олиб кетилишининг имкони йўқлиги сабабли, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига 2010 йил 22 декабрда рўйхатга олинган 2169-сонли “Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги йўриқнома”нинг 241-банди асосида иш ҳақи тўлаш ҳисбодор шахс орқали амалга оширилган.

Бунда, Ўзгидрометрология марказининг ҳудудлардаги бўлинма ва бошқа субъектларида ишлаётган ишчи-ходимларнинг иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлари учун нақд пуллар ҳудудлардаги субъектлар раҳбарлари томонидан ишончнома берилган шахслар номига расмийлаштирилган касса чиқим ордерлари билан кассадан чиқим қилиниб, бухгалтерияда нақд пулни олган шахсларнинг ҳисобига ўтказилганлиги натижасида дебиторлик юзага келган;

- Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг тизим ташкиотлари томонидан 2018 молия йили якуни бўйича тақдим этилган молиявий ҳисботларида жами 240,3 млн.сўмлик дебитор қарздорлик кўрсатилган бўлиб, ушбу дебитор қарздорликлар 19 та қуий тизим ташкилотларининг молиявий ҳисботларидан шаклланган.

Келиб чиқиш сабаблари ўрганилганда солиқ органлари томонидан ўтказилган камерал назоратида аниқланган ортиқча тўловлар ҳисобидан, даромад солиги ҳамда Пенсия жамғармасига олдиндан тўловлар ҳисобига юзага келган.

Тақдим этилган ҳисботга кўра 2019 йил 1 январь ҳолатига жами кредитор қарздорлик 5 507 630,4 млн. сўмни ташкил этиб, шундан, бюджет маблағлари ҳисобидан 2 990 837,3 млн. сўм, бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан 2 516 793,1 млн. сўм. 2018 йил 1 январь ҳолатидаги ҳисботларга

күра жами кредитор қарздорлик 3 843 549,8 млн.сүмни ташкил этган бўлиб, шундан, бюджет маблағлари ҳисобидан 2 551 467,8 млн.сүм, бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан 1 292 082,0 млн.сүм.

2019 йил 1 январь ҳолатига мавжуд кредитор қарздорликлар 2018 йил 1 январь ҳолатидаги кредитор қарздорликларга нисбати қўйидаги жадвалда акс эттирилган.

<b>Харажатлар таркиби</b>	<b>Жами</b>	<b>млн. сўм</b>	
		<b>шундан</b>	<b>бюджетдан маблағлари бўйича</b>
<b>2018 йил 1 январь ҳолатига</b>			
<b>Кредиторлик қарзи – жами</b>	<b>3 843 549,8</b>	<b>2 551 467,8</b>	<b>1 292 082,0</b>
Иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар	1 227 290,2	1 102 679,0	124 611,2
Иш ҳақидан ажратмалар	408 996,5	378 651,6	30 344,9
Капитал қўйилмалар	415 404,0	399 605,6	15 798,4
Бошқа харажатлар	1 142 935,2	669 883,2	473 052,0
Гурухларга киритилгандан ташқари	648 923,9	648,4	648 275,5
<b>2019 йил 1 январь ҳолатига</b>			
<b>Кредиторлик қарзи – жами</b>	<b>5 507 630,4</b>	<b>2 990 837,3</b>	<b>2 516 793,1</b>
Иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар	1 901 164,4	1 654 491,8	246 672,6
Иш ҳақидан ажратмалар	641 160,7	584 817,0	56 343,7
Капитал қўйилмалар	657 760,4	431 000,1	226 760,3
Бошқа харажатлар	986 647,8	320 528,4	666 119,4
Гурухларга киритилгандан ташқари	1 320 897,1	0,0	1 320 897,1
<b>Ўсиши/камайиши (фоизда)</b>			
<b>Кредиторлик қарзи – жами</b>	<b>143%</b>	<b>117%</b>	<b>195%</b>
Иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар	155%	150%	198%
Иш ҳақидан ажратмалар	157%	154%	186%
Капитал қўйилмалар	158%	108%	1435%
Бошқа харажатлар	86%	48%	141%
Гурухларга киритилгандан ташқари	204%	0%	204%

Жадвалда келтирилган кўрсатгичларнинг ўзгариши таҳлил қилинганда, жами 5 507 630.4 млн.сўм кредитор қарздорлик ўтган йилги кредитор қарздорликга нисбатан 1,4 баробарга ошган.

Гурухлар кесимида кўрадиган бўлсақ, иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, иш ҳақига ажратмалар ҳамда капитал қўйилмалар 1,6 баробарга, гурухларга киритилганидан ташқари кредитор қарздорликлар 2 баробарга ўтган йилга нисбатан ошган. Бошқа харажатлар бўйича кредитор қарздорликлар эса 14 фоизга камайган.

Маҳаллий бюджетлардан маблағ билан таъминланадиган ташкилотларнинг дебиторлик қарзлари 2019 йил 1 январь ҳолатига 691 079,5 млн. сўмни ташкил этган ёки ўтган йилнинг ҳисобот даврига нисбатан 2,4 баробарга ўсган.

Т/р	Худудлар номи	01.01.2018 й. холатига	01.01.2019 й. холатига	Ўсиши/камайиши, фоизда
		млн. сўм		
X	Маҳаллий бюджет, жами	288 884,5	691 079,5	239%
